2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 259 (1048), 2023 йил 13 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ИНСОН ҚАДРИ МАҲАЛЛА ТИНЧЛИГИ, ОДАМЛАР ХОТИРЖАМЛИГИ ВА ХАВФСИЗ ҲАЁТ БИЛАН ЮКСАЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли яшаш шароитлари, қишга тайёргарлик ва ободончилик ишларини кўриш мақсадида 12 декабрь куни Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда бўлди.**

Дастлаб “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Учтепа туманидаги иссиқлик маркази бориб кўрилди. Давлатимиз раҳбари бундан роппа-роса бир йил олдин бу ерга келганида аҳвол жуда аянчли эди. Бу марказ 1969 йилда қурилган, шундан буён капитал таъмирланмаган. Қозонхона ҳам, тармоқлар ҳам эскирган эди. Ўтган қишда ҳаво кескин совиган пайтларда иссиқлик ишлаб чиқариш муаммо бўлганди. Шу боис, Президентимиз тармоқларни таъмирлаш ва барқарорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги ташриф чоғида мутасаддилар шу ҳақда ахборот берди. Берилган топшириқлар тўла амалга оширилган. Мажмуа қозонхонаси жами 700 Гкал қувватга эга, мингдан ортиқ кўп қаватли уй ва 400 дан зиёд ижтимоий муассасаларга иссиқлик етказиб беради.

Жорий йилда мазут хўжалиги ва сиғимлари қурилиб, қозонларнинг иккитаси аралаш шаклда — газ ва мазутда ишлашга мослаштирилган. Булар натижасида қозонхона ва тармоқ совуқ ҳароратда ҳам барқарор ишлайди. Бундай пайтларда захираланган мазутдан ишлатилади. Қувурлар изоляцияси мустаҳкамлангани учун иссиқлик йўқотилиши ҳам камайган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкент шаҳри ва Учтепа тумани мутасаддилари билан мулоқот қилди. Маҳаллалардаги янги “еттилик” тизими фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ижтимоий масалаларни аҳоли талаби асосида жойларнинг ўзида ҳал этиб, одамларни рози қилиш зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, қишга тайёргарлик бўйича кўрилган чораларни ҳам одамлар сезиши керак. Иссиқлик марказлари ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиб бориш, бино ва хонадонларда иссиқликни асраш долзарб вазифа экани қайд этилди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасининг Ягона тезкор бошқарув марказини бориб кўрди.

Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган мажмуа “Геоинформацион электрон харита” дастури асосида ишлайди. Унга Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Транспорт ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия, Солиқ қўмитаси каби идораларнинг 55 та электрон базаси интеграция қилинган. Тошкент шаҳридаги 10 мингдан ортиқ турар ва нотурар жойлардаги 7 минг 300 та видеокузатув камералари ҳам уланган.

Бу жамоат хавфсизлигига масъул куч ва воситаларни самарали бошқариш имконини бермоқда. Жумладан, кўча ва жамоат жойларида хизмат олиб бораётган ходимлар онлайн кузатиб турилади ва вазиятга қараб йўналтирилади. Натижада ҳодиса жойига 3-5 дақиқада етиб борилади.

Булар “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла” мақсадларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлашда муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, ўтган даврда пойтахтда содир қилинган 925 та жиноят тезкор фош этилган.

Ягона тезкор бошқарув марказида “Е-манзил”, “Шакл-1”, “Е-меҳмон”, “Кадастр” дастурларидан маълумот олиш ҳам йўлга қўйилган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқиган ёшлар томонидан “Қалқон” номли тизим яратилган.

Буларнинг барчаси халқимиз осойишталигига масъул идораларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаб, маълумотларни яхлит дастурда қайта ишлаш, тезкор вазият ва криминоген ҳолатларни автоматик таҳлил қилиш, муаммоларни баҳолаш орқали тўғри қарорлар қабул қилиш имконини бераётир.

Президентимиз марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Бу тизимдан фойдаланиб, маҳаллалардаги профилактика инспекторлари ишини ҳам рақамлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ва тезкорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича вазифаларнинг бажарилиш ҳолати муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, ўтган қишдаги совуқдан келиб чиқиб, бу мавсумга жиддий тайёргарлик кўрилди. Ички имкониятлар тўла ишга солиниб, тармоқлар модернизация қилинди. Муассаса, корхона ва маҳаллалардаги камчиликлар бартараф этилди.

Қўшимча энергетика қувватларини яратиш бўйича тизимли ишлар ташкил этилди. Натижада қисқа вақтда 675 мегаватт ишга туширилди, йил якунига қадар 2,2 минг мегаваттли 7 та станция фойдаланишга топширилади. 100 та подстанция, 11,5 мингта трансформатор ва 34 минг километр тармоқлар янгиланди.

Тошкент шаҳрида аҳоли кўплиги ва талаб юқорилиги боис, бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, пойтахтимизда жами қуввати 286 мегаваттга тенг 2 та янги подстанция қурилди. 228 та трансформатор, 1 минг 130 километр тармоқлар янгиланди. 260 километр юқори кучланишли кабель тармоқлари тортилди.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни давом эттириб, дастур доирасида режалаштирилган вазифаларни қисқа муддатларда якунига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда айрим ҳудудларда энергетика тизимида кузатилаётган муаммолар муҳокама қилинди. Президентимиз ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрларга алоҳида эътибор қаратди.

Масалан, Наманган вилоятидаги газ қуйиш шохобчаларида газ камайган. Андижон вилоятининг Балиқчи, Пахтаобод, Марҳамат ва Андижон туманларида ҳаво совиши сабабли электр энергияси билан боғлиқ муаммолар кўпайган. Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Касби туманларида чироқ кўп ўчаётгани маълум қилинган.

Давлат раҳбари бундай камчиликларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Электр тармоқлари ва газ таъминоти мутасаддиларига авария бригадаларини шай ҳолатга келтириб, туну кун ишлашини таъминлаш, зарур восита ва материаллар захирасини кўпайтириш бўйича топшириқ берилди.

Бу йил кўмир таъминотида ҳам янги тизим йўлга қўйилди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 5 миллион 900 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Аҳолига 930 минг тонна, ижтимоий соҳа учун қўшимча 93 минг тонна кўмир етказилди.

Ҳудудлардаги омборларда турган кўмирни аҳолига ва ижтимоий соҳага етказилишини кундалик назоратга олиш, иситиш тизими давлат-хусусий шерикка ўтказилган объектларда зарур кўмир захирасини яратиш кераклиги айтилди.

Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қонунга хилоф ҳолатларни чеклаш муҳимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Бугундан бошлаб барча ҳуқуқ-тартибот органлари ва ижтимоий инфратузилма хизматлари 24 соатлик иш тартибига ўтиши белгиланди.

Йиғилишда Янги йил байрами олдидан аҳоли фаровонлиги учун шароитларни янада яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий тадбирлар юқори даражада ўтказилиши, кўнгилочар дастурлар ва хизматларни кўпайтирилиши қайд этилди. Бозорларда арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилади. Нарх-наволарни асоссиз оширишга уриниш Бош прокуратура томонидан назоратга олинади.

Шунингдек, жамоат транспортларининг барқарор қатновини таъминлаш, метро ва автобусларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш муҳимлиги таъкидланди. Бекатларда шароитларни яхшилаш, йўлларни тозалаш ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда қишга тайёргарлик бўйича Ҳукумат комиссияси ва бошқа мутасаддиларнинг ҳисоботи эшитилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли илм-фан соҳаси вакиллари!

Аввало, сиз, азизларни — заҳматкаш олим ва академиклар, иқтидорли тадқиқотчилар, докторант ҳамда аспирантларни, юртимиздаги барча илмий ходимларни бугунги қутлуғ сана — Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 80 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Улуғ аллома Маҳмуд Кошғарийнинг **“Олимнинг ёстиғи тошдандир”,** деган сўзларида илм аҳли изланиб, машаққат чекиб бўлса-да, доимо одамларга нур улашиб яшайди, деган ҳикмат мужассам эканини сизлар албатта яхши тушунасиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда бамисоли игна билан қудуқ қазиб, янги тадқиқот ва ишланмалар яратаётган, Янги Ўзбекистоннинг илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириб келаётган ана шундай фидойи инсонларни кўрамиз.

Ушбу қутлуғ айёмда 80 йил мобайнида ғоят мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган Ўзбекистон Фанлар академияси юртимизда юзлаб атоқли олим ва академикларни тарбиялаб, илм-фан соҳалари бўйича нуфузли илмий мактаблар яратишга катта ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Мустақиллик даврида, айниқса, кейинги йилларда сизлар ана шундай ютуқларни буюк аждодларимиз асос солган шонли анъаналарга уйғун ҳолда бойитиб, мамлакатимизда илм-фан ривожини янги босқичга олиб чиқмоқдасиз.

Академия тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, унинг таркибида янги илмий ташкилотлар очилиб, тизимдаги муассасалар сони қарийб 1,5 баробар кўпайди. Уларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби йўлга қўйилди.

Етакчи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимларнинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда илм-фан намояндаларининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Соҳа вакилларининг иш ҳақи ҳамда докторантларнинг стипендияси 3 баробар, академикларнинг гонорари 2 мартадан зиёд оширилгани, илмий даражага эга илмий ходимларнинг маошига 60 фоизгача устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилгани буни тасдиқлайди.

Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш, соғлиғини тиклаш бўйича ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тизимда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчилар учун имтиёзли асосда квартиралар ажратилди, оилали ёш докторантлар бепул уй-жойлар билан таъминланди.

Академиянинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлардаги илмий марказлар билан ҳамкорлиги кучайиб, улар билан биргаликда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар кўлами икки-уч баробар кенгайди.

Стажёр-тадқиқотчилик институти қайта тикланиб, истеъдодли ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш сифати яхшиланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда илмий фаолият билан шуғулланаётган 30 мингдан ортиқ тадқиқотчиларнинг ярмидан ортиғини айнан ёшлар ташкил этаётгани соҳанинг келажаги ишончли қўлларда эканидан далолат беради.

Азиз юртдошлар!

Маълумки, миллий тарихимизда ёрқин из қолдирган биринчи ва иккинчи Ренессанслар замирида, аввало, илм-фан ютуқлари мужассамдир. Бугун биз барпо этаётган Учинчи Ренессанс пойдевори ҳам, ҳеч шубҳасиз, инсон капитали, илм-фан, инновация ва янги кашфиётлар асосида бунёд қилинади.

Шу боис, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмалар яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни белгилаб олдик. Хусусан, илм-фанга йўналтириладиган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2025 йилга қадар 6 марта, 2030 йилгача эса 10 марта оширишни режалаштирганмиз.

Бундай стратегик вазифаларни амалга оширишда биринчи навбатда сизлар каби илм-фан намояндаларининг улкан салоҳиятига таянамиз. Биз юртимиздаги барча олим ва тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам зарур куч ва имкониятларни ишга соламиз.

Муҳтарам байрам иштирокчилари!

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни бугунги қувончли айём билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Ғоят шарафли ва масъулиятли вазифаларни адо этишда сизларга куч-ғайрат, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқ ва омадлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭРКИН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 12 декабрь куни пахта хомашёсини етиштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.**

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 9 ноябрь куни ўтган видеоселектор йиғилишида пахтачилик тармоғида мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, кластерлар ва фермерлар ўртасидаги муносабатларни янгича ташкил этиш, пахта уруғчилигига илғор ёндашувларни жорий қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Йиғилишда ушбу топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, 2024 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатлар янги тартибда ташкил этилади.

Чигит экилишидан аввал фермер хўжаликлари ва вилоят ичидаги кластер ўртасида тупроқ ҳосилдорлиги доирасида фьючерс шартномалари Товар-хомашё биржасининг “пахта хомашёси секцияси”да ҳар бир ҳудуд учун ўтказиладиган савдолар орқали тузилади.

Бунда фермер ўзи етиштирадиган пахтанинг миқдорини биржага жойлаштиради ҳамда баландроқ нарх таклиф этган вилоят ичидаги кластер ушбу фермер билан фьючерс шартномасини тузади. Бошланғич нарх Нью-Йорк биржасидаги пахта толасининг охирги 12 ойдаги ўртача нархи асосида белгиланади.

Давоми 2-бетда

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

**Айни кунларда Ўзбекистон илм-фанида муҳим сана — Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганининг 80 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида байрам тантанаси бўлиб ўтди.**

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 80 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

80 йил мобайнида ғоят мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган Ўзбекистон Фанлар академияси юртимизда юзлаб атоқли олим ва академикларни тарбиялаб, илм-фан соҳалари бўйича нуфузли илмий мактаблар яратишга катта ҳисса қўшди.

Давоми 2-бетда

### ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ бунёдкорлик ва тараққиёт тимсоли

**Фарғона шаҳрининг жанубий сарҳадларига туташган, гиёҳ унмас, тош-шағалдан иборат кенг дала-даштда бунёд этилаётган экошаҳар — “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишининг биринчи босқичи якуний паллага кирди. Агар бундан икки йил аввал шу ерда замонавий шаҳар қурилади деса, биров ишонмасди. Бугун бу ҳақиқатга айланди.**

Давоми 5-бетда



### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

## УЙҒОНИШ, БИРЛАШИШ ОНЛАРИ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Пойтахтимизда “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташаббуси билан Фанлар академияси Тарих институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва Туркий давлатлар ташкилоти кўмагида ташкил этилди.**
**Давлатимиз раҳбари халқаро конференция иштирокчиларига мурожаат йўллади.**

Давоми 3-бетда



# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭРКИН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Фьючерс шартномасидан ортиқча етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олинадиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларни фермер хўжаликлари тўғридан-тўғри фьючерс шартномаси тузган кластерга ёки биржа орқали исталган субъектга сотади.

Пахта хомашёси фермерларнинг ўз маблағлари, шу жумладан, тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирилганда пахта хомашёси ва ундан олинадиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотлар биржада эркин сотилади.

Йиғилишда пахта хомашёсини етиштирувчи хўжаликларга биржада иштирок этиш тартиби юзасидан ўқув семинарлар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди. Кластерлар ва бошқа корхоналар томонидан пахта хомашёси фақат электрон тарози орқали қабул қилиниши ҳамда пахта толасини автоматлашган ҳисобга олиш тизими жорий қилиниши белгиланди.

2024 йил ҳосилидан бошлаб фермерлар ва кластерларга пахта хомашёсини етиштириш ва якуний ҳисоб-китоблар учун Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишнинг янги тизими жорий этилади.

Ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан агротехник тадбирлар доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан, моддий ресурслар етказиб берувчилар фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан ихтиёрий танланади.

Кредит буюртмалари тўлиқ электрон шаклда тақдим этилади.

Пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш тартибини ҳам янгилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Бунда кластер ташкил этишга талабгорлар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг камида иккита босқичини йўлга қўйган бўлиши, солиқлар ва мажбурий ажратмалардан ҳамда банк кредитларидан муддати ўтган қарздорлиги бўлмаслиги керак бўлади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилиб, кластер фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган талабгорлар очиқ ва шаффоф онлайн танлов асосида танлаб олинади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кластерлар реестрини юритади ва ушбу реестрни ўзининг веб-сайтида доимий эълон қилиб боради. Вазирликка энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тизими бўйича кластерларнинг автоматлаштирилган рейтингини юритиш дастурини яратиш топширилди.

Йиғилишда пахта уруғчилигини ривожлантириш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган Президент қарорида келгуси йилдан пахта экиладиган майдонларнинг 10 фоизига тажриба-синов тариқасида хорижий пахта навларини жойлаштиришга рухсат бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тажриба тариқасида 14 та туманнинг балл бонитети паст, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларида юқори ҳосилдор маҳаллий ва хорижий навлар жойлаштирилиши белгиланмоқда.

Хориждан олиб кириладиган пахта навлари учун алоҳида агротехника ва соддалаштирилган карантин талабларини жорий этиш, ушбу навларни етиштиришни махсус карантин кузатувида ва Пахтачилик кенгаши илмий кўрсатмаси асосида олиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан ғўза навларини жойлаштиришда кафолатланган уруғ таъминотига мувофиқ эркинлик берилмоқда.

Республикада ғўзанинг серҳосил ва саноатбоп янги навларини яратишни рағбатлантириш мақсадида қатор вазифалар белгиланмоқда.

Жумладан, маҳаллий истиқболли ғўза навларини кўпайтириш, унинг сифатли элита уруғчилигини йўлга қўйиш ҳамда навни тижоратлаштиришда кластер ва фермерларга тегишли навга ҳаммуаллифлик қилишга рухсат берилади. Сертификатланган уруғлик тайёрлашни босқичма-босқич кластерлар ва хусусий уруғчилик корхоналарига ўтказиш кўзда тутилган.

2024 йилдан бошлаб 30 центнердан паст ҳосил бераётган навлар мунтазам аниқланиб, серҳосил маҳаллий ва хорижий навларга алмаштириб бориш амалиёти жорий қилинади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига мазкур тизимни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда Уруғчилик маркази фаолиятини трансформация қилишга топшириқ берилди.

Ўзбекистонда толали экинлардан чиқадиган маҳсулотлар, тола чиқими, пахта саноати соҳасида махсус муассаса мавжуд эмаслиги боис, пахтачилик кенгашининг илмий-тадқиқот органи — “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ негизида Толали экинлар илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда Генетик модификацияланган организмлар ва уларнинг маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича илмий экспертизаси жорий қилинади ҳамда генетик модификацияланган навлар миллий базаси шакллантирилади. Бу орқали ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинадиган ГМО маҳсулотлари хавфсизлигини баҳолаш, шунингдек, ГМО маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш йўлга қўйилади.

Соҳани рақамлаштириш мақсадида 2024 йил якунига қадар “е-уруғ” платформаси ишга туширилади. Унда уруғчилик корхоналари ва хўжаликларининг ўзаро интеграциялашуви, нав ва дурагайларнинг уруғ таъминоти ва захираси, ҳудудларга мослиги ва агротехнологиялари, эркин ва шаффоф жойлаштириш, қайта тақсимлаш, сертификат олиш имконияти яратилади.

Президентимиз ушбу таклифларни маъқуллаб, янги тизимни амалиётга жорий қилиш юзасидан қатор кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Бошланиши 1-бетда

Мустақиллик даврида, айниқса, кейинги йилларда Академиянинг илмий таркиби ютуқларни буюк аждодларимиз асос солган шонли анъаналарга уйғун ҳолда бойитиб, мамлакатимизда илм-фан ривожини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Академия тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, унинг таркибида янги илмий ташкилотлар очилиб, тизимдаги муассасалар сони қарийб 1,5 баробар кўпайди. Уларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби йўлга қўйилди.

Етакчи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимларнинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда илм-фан намояндаларининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш доимо давлатимиз эътибори марказида бўлиб келмоқда.



Соҳа вакилларининг иш ҳақи ҳамда докторантларнинг стипендияси 3 баробар, академикларнинг гонорари 2 мартадан зиёд оширилгани, илмий даражага эга илмий ходимларнинг маошига 60 фоизгача устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилгани буни тасдиқлайди.

Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш, соғлиғини тиклаш бўйича ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тизимда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчилар учун имтиёзли асосда квартиралар ажратилди, оилали ёш докторантлар бепул уй-жойлар билан таъминланди.

Академиянинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлардаги илмий марказлар билан ҳамкорлиги кучайиб, улар билан биргаликда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар кўлами икки-уч баробар кенгайди.

Стажёр-тадқиқотчилик институти қайта тикланиб, истеъдодли ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш сифати яхшиланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда илмий фаолият билан шуғулланаётган 30 мингдан ортиқ тадқиқотчиларнинг ярмидан ортиғини айнан ёшлар ташкил этаётгани соҳанинг келажаги ишончли қўлларда эканидан далолат беради.

Тадбирда фахрий меҳмонлар, халқаро миқёсдаги нуфузли олимлар, хорижий давлатлар фанлар академиялари президентлари сўзга чиқди.

Ўзбекистон илм-фани узоқ йиллик тарихга эга бўлиб, бу заминда Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Маҳмуд Замахшарий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари буюк мутафаккир ва олимлар жаҳон фани ва маданияти тарихидан абадий ўрин олди.

Шу боис, Иккинчи жаҳон уруши авжи қизиган кезларда — 1943 йилнинг 4 ноябрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг барпо этилиши минг йилликларга дахлдор ўзбек илм-фанида янги бир даврнинг бошланиши бўлди.

Фанлар академиясининг бугуни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, юртимизда том маънода дунёга машҳур алломаларнинг издошлари етишиб чиқмоқда. Хусусан, илм йўлида изланаётган ёшларимизнинг бир қанчаси TWAS (Жаҳон фанлар академияси) академиясининг қатор мукофотларини қўлга киритган. Жумладан, ўзбек математикларидан 4 нафари Жаҳон фанлар академияси академиги, 6 нафари TWASнинг ёш олимлар бўлими аъзоси саналади.

Академия олимлари сафига тиришқоқ ёшлар қўшилишда давом этмоқда. Улар ўзбек илм-фанининг келажагидир. Қолаверса, ёшларнинг илмий тадқиқотини қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг илмий изланиши асосида маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи, экспортбоп кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, олимларимиз моносилан ва поликристалл кремний олишнинг янги технологиясини яратишга муваффақ бўлди. Мазкур ишланма Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Тайвань ва Европа Иттифоқи мамлакатларида патент билан ҳимояланган.

Тадбир давомида Фанлар академияси ташкил этилиши ва ривожланиши ҳамда мустақиллик йилларида фаннинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган “Учинчи Ренессанс пойдевори” номли ҳужжатли фильм ҳамда Ўзбекистон санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди.

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

МУНОСАБАТ

# ЗИЁ УЛАШИБ ЯШАШ БАХТИ

## олим қисматига битилган буюк инъом



**Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, академик**

**Юртимиз қадимдан илм-фан бешикларидан бири бўлган. Улуғ боболаримиз Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб алломалар ўз даврида фундаментал тадқиқотлари билан астрономия, математика, география, тиббиёт, физиология, кимё, ислом фалсафаси каби фанларга асос солган. Оламшумул кашфиётлари билан етти иқлимда маълум ва машҳур бўлган. Боболаримиз тамал тоши қўйган илмий мактаблар бугун ҳам ёш олимлар билан гавжум.**

Ўзбекистон Фанлар академияси 1943 йил 4 ноябрда ташкил қилинди. Бугун унинг 80 йиллик фаолиятини сарҳисоб қилар эканмиз, бу мўътабар даргоҳ узоқ ва самарали ривожланиш йўлини босиб ўтганига гувоҳ бўламиз. Фанлар академияси ўтган даврда мамлакатимизда чинакам илм-фан марказига айланиб, дунё ҳамжамияти ҳамда республика илмий жамоатчилиги, шунингдек, халқимизнинг эътирофига сазовор бўлди.

Мана шундай қутлуғ санада давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Фанлар академияси жамоасига қутлови байрам тантаналарига ўзгача шукуҳ, илм аҳлига кўтаринки кайфият бағишлади. Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмалар яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Хусусан, илм-фанга йўналтириладиган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2025 йилга қадар 6 марта, 2030 йилгача эса 10 марта оширишни режалаштирганмиз. Бундай стратегик вазифаларни амалга оширишда, биринчи навбатда, сизлар каби илм-фан намояндаларининг улкан салоҳиятига таянамиз. Биз юртимиздаги барча олим ва тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам зарур куч ва имкониятларни ишга соламиз”, деган сўзлари биз, олимларни ғоят руҳлантирди.

Академия фаолияти тубдан такомиллашмоқда. Жумладан, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани фанга эътиборни янада кучайтирди. Президентимизнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илм-фаннинг ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бир пайтлар олий таълим ва иқтисодиёт соҳаларига бериб юборилган қатор муассасаларнинг Фанлар академияси тизимига қайтарилгани катта ислоҳотлардан бири бўлди. Натижада Фанлар академиясининг илмий муассасалари сони 20 тадан 38 тага етди. Ходимлар сони 1,5, илмий ходимлар — 1,7, фан докторлари — 2,3, фан номзодлари/PhD — 1,5, таянч докторантлар — 1,9, докторантлар сони 1,4 баробар кўпайди. Узоқ йиллик танаффусдан сўнг 2017 йилда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайлов ўтказилди. Жорий йилда академияда янги сайлов жараёни кечмоқда.

Соҳа вакилларининг иш ҳақи ҳамда докторантларнинг стипендияси 3 баробар, академикларнинг гонорари 2 мартадан зиёд оширилди, илмий даражага эга ходимларнинг маошига 60 фоизгача устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилди. 2020 йилдан бошлаб, Фанлар академияси тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштириш тизимига ўтди. Чет элда стажировка ўташи ва илмий ҳамкорлик қилиши учун бюджет маблағи ҳисобидан олимлар, хусусан, ёш тадқиқотчиларни хизмат сафарига юбориш амалиёти йўлга қўйилди. Академиянинг 100 дан ортиқ ходими уй-жой билан таъминлангани илм аҳлига ғамхўрликнинг катта намунаси бўлди.

Шарқшунослик ва Математика институтларининг энг замонавий шароитларга эга янги бинолари фойдаланишга топширилди. Ўсимлик моддалари кимёси институтида Марказий Осиёда ягона, GMP технологияси асосида фаолият юритадиган, дори субстанциялари ишлаб чиқариладиган корхона ҳамда Ядро физикаси институти ҳузуридаги Радиопрепарат давлат корхонаси ташкил этилди.

Замонавий хорижий илмий ускуналар сотиб олинди. Улардан самарали фойдаланиш мақсадида жамоавий фойдаланиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Қатор вилоятларда Математика, Иммунология ва инсон геномикаси ҳамда Полимерлар физикаси ва кимёси институтларининг ҳудудий бўлинмаси ташкил этилгани ҳудудларда фаннинг ривожини таъминлаб, баъзи муаммолар ечимига хизмат қилмоқда.




> **МАНА ШУНДАЙ ҚУТЛУҒ САНАДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЖАМОАСИГА ҚУТЛОВИ БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИГА ЎЗГАЧА ШУКУҲ, ИЛМ АҲЛИГА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАДИ. ЖУМЛАДАН, “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМАЛАР ЯРАТИШ, ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛДИК.**

Яратилган шарт-шароитлардан руҳланган олимларимиз ҳам қатор илмий янгиликларга қўл урмоқда. Жумладан, кварклар сони бўйича жаҳонда рекорд бўлган саккиз кваркли элементар янги зарра кашф этилди. Майданак обсерваториясида ўзбек астроном олимлари дунёда биринчи бўлиб “Катта айиқ” юлдузлар туркумида янги юлдузни рўйхатга олди. Шунингдек, COVID-19, сурункали вирусли В ва С гепатитлари, бир қанча вирусли инфекцияларнинг инфекцион жараёнини иммунташхислаш усуллари амалиётга татбиқ этилди. Рутан дори воситаси ўртача оғирликдаги COVID-19 учун самарали дори сифатида даволаш стандартига киритилди ва ишлаб чиқарилмоқда. Ғўзанинг Порлоқ-7, Порлоқ-8, Равнақ-1, Равнақ-2, Барака, Саховат, Тафаккур, Бардош ва Заковат, картошканинг Бисёр, соянинг Сочилмас ҳамда буғдойнинг Баркамол навлари яратилиб, тижорийлаштиришга йўналтирилди. Қирқдан ортиқ янги ўсимлик тури кашф этилди. “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби”нинг бешинчи нашри чоп этилди. Доривор ўсимликларнинг интерактив атласи яратилди.

Моносилан ва поликристалл кремний олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Тайвань ва Европа иттифоқи мамлакатларида 20 дан ортиқ патент билан ҳимояланди. Йигирмадан ортиқ радиоизотоп, жумладан, биринчи марта Лютеций-177 изотопи ишлаб чиқарилиб, тиббиёт муассасаларига етказиб берилмоқда ҳамда экспорт қилинмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли Фанлар академияси илмий маҳсулотларининг йиллик экспорт қиймати 2017-2021 йилларда режадаги кўрсаткичлардан ошиб, 5,5-5,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Сўнгги йилларда Фанлар академияси тизимидаги ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, Шарқшунослик институти асосий фондидаги 13 минг жилддан зиёд қўлёзманинг инглиз тилидаги электрон каталоги яратилди ва интернет тармоғига жойлаштирилди. Ўзбек тилининг 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини ўзида мужассам этган 6 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” лотин ёзувида чоп этилди.

Археологларимиз Ахсикент ёдгорлигида “Очиқ осмон остидаги музей” ташкил қилинишида фаол иштирок этмоқда. Бунинг доирасида “Ахсикент археология парки” китоб-альбоми нашр қилинди. Санъатшунос олимларимиз Ўзбекистон санъати тарихи, рангтасвири, бадиий тўқимачилиги, заргарлиги, Риштон кулолчилиги ва бошқа кўплаб мавзулар бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказиб, йирик монография ва китоб-альбомлар нашр этилишида бош-қош бўлди.

Халқаро алоқаларимиз ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу ўринда Фанлар академияси “Бир макон — бир йўл” ташаббуси доирасида халқаро илмий ташкилотлар альянсининг таъсисчиларидан бири бўлганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ЮНЕСКО, МАГАТЭ, МААН ва TWAS сингари халқаро ташкилотлар, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Украина, Беларусь ва бошқа давлатларнинг Фанлар академияси билан самарали илмий ҳамкорлик ўрнатган.

Ўзбекистон Фанлар академияси ўзининг 80 йиллигига ана шундай янгиланишлар, назарий тадқиқотлар ва самарадор амалий ишланмалар билан пешвоз чиқди. Халқаро илмий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш заруратини олимларимиз яхши англайди. Ёшларимизнинг илмий фаолияти самарадорлигини оширишни ҳам даврнинг ўзи талаб қиляпти. Фанлар академиясининг ҳар бир аъзоси янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, бу йўлда фаол меҳнат қилиш масъулиятини юракдан ҳис қилади. Билдирилган юксак ишончни, албатта, оқлайди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

# УЙҒОНИШ, БИРЛАШИШ ОНЛАРИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бошланиши 1-бетда



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

"Ўз моҳият эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, тараққийпарвар аждодларимизнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш, Туркистон жадидларининг миллий давлатчилик ривожидаги ўрни ва таъсирини ўрганиш, XX асрнинг биринчи чорагида улар томонидан барпо этилган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш, дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятига тарихий баҳо бериш, Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни бунёд этишда ушбу мероснинг мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалалар бугунги конференциянинг асосий муҳокама мавзулари этиб белгиланганини алоҳида аҳамиятга эга", дейилади мурожаатда.

Дарҳақиқат, жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билди. Улар ана шу эзгу мақсад йўлида фидойилик кўрсатиб, янги усул мактаблари, театр ва кутубхоналар, нашриётлар очди. Жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш мақсадида газета ва журналлар нашр этди. Ёшларни илғор давлатларга ўқишга юборди.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, молия, солиқ тизимлари, ер масалаларини тадрижий асосда тубдан ислоҳ қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракатлар қилди. Бир сўз билан айтганда, улар миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоясини рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди. Афсуски, ўша даврдаги мавжуд вазият, ижтимоий тузум бу улуғвор мақсадларни амалга оширишга йўл бермади.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон Президентининг инсон қадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислоҳотлари жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир, — деди Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев. — Ўзбекистон туркий тилли давлатлар ташкилотига асос солинган даврда унинг нафақат фаол иштирокчиси, балки ташаббускорларидан бири ҳам бўлган эди. Шавкат Мирзиёевнинг қўшни, қардош давлатлар ва қатор минтақавий ташкилотлар билан очиқ ва конструктив ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган оқилона ташқи сиёсати Туркий кенгаш доирасидаги алоқаларда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Жадидларнинг ғоялари, ўзаро бирдамлик борасидаги орзу-интилишлари Ўзбекистон раҳбарининг айни пайтдаги сиёсатида ўз аксини топмоқда, десак адашмаган бўламиз. Янги Ўзбекистон жадид боболар орзу қилганидек, дунёвий, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини бунёд этиш, сифатли таълим тизимини яратиш, сўз эркинлиги ва очиқликни таъминлаш йўлидан дадил одимлаётгани қувонарлидир.

Анжуманда Ўзбекистон Президентининг ёрдамчиси Саида Мирзиёева турли мамлакатлардан келган иштирокчиларга миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз учун энг муҳим мавзулардан бири — миллат таълим-тарбияси масаласини муҳокама қилиш ва Ўзбекистонда жадидлар бошлаган ишларни давом эттириш вақти аллақачон етиб келганини таъкидлади.

— Бу йил Ўзбекистонга бир неча бор келдим, — деди Мичиган университети фахрий профессори, жадидшунос олим Темур Хўжа ўғли. — Охирги марта Шарқшунослик институтидаги докторлик диссертацияси ҳимоясида қатнашиш учун келгандим. Бу сафар "Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзусидаги конференцияда илмий изланишларимни тақдим этиш ва тадқиқотчиларнинг жадид боболаримиз борасидаги эътиборга молик мулоҳазаларидан баҳраманд бўлиш учун келдим. Бу жуда катта халқаро қурултой. Албатта, бу Ўзбекистон Президентининг жадид боболаримиз қилган ишларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш сиёсатини юритаётгани билан бевосита боғлиқ.

Таъкидланганидек, жадидлар Марказий Осиёда Учинчи Уйғониш пойдеворига биринчи ғиштни қўйган эди. Чунки бутун туркий миллатнинг тараққий этишида айнан жадидларнинг ғоялари муҳим аҳамиятга эга.

— Мен Туркиядан келдим, — дейди тадқиқотчи Аҳмед Бийжан Эржуласун. — Маърузамнинг мавзуси "Жадидчилик ҳаракати ва Туркия". Жадидлар дунёни кўрмоқ истади. Бухоро, Самарқанддан чиқиб, Қрим, Москва ва Истанбулга қадар кетди. Истанбулда бу ҳаракат аъзоларининг фаолияти ижтимоий ҳаётимизда кузатилди ва 1910 йилда газеталарда уларнинг фаолияти ҳақида хабарлар бўй кўрсатди. 1920 йилда эса Мустафо Камол Бухорога Иброҳим Субҳий деган одамни юборади. Мустафо Камолнинг тарихий қарашлари акс этган китобларини жадидчилар ҳозирлаган. Уларни қозонлик жадидчи Исмоил Гаспирали оиласининг куёви Юсуфак Чура тайёрлайди. Ўз вақтида бу китоблар жадидчилик ҳаракатини ўрганишда турк ўқувчиларига дастак бўлди. Кейинчалик маърифатпарвар жадидчи Мунавварқорининг талабаси Иброҳим Ёрқиннинг 1960-1970 йилларда чоп этилган ёзма манбаларидан маълумотлар ўргандик. Шоир Чўлпоннинг "Йиғлаган менман" шеърини ҳам илк дафъа шу мажмуадан ўқидик. Жадидчилик ҳаракати ҳозир АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда ҳам ўрганилаётгани эътиборга молик. Айтиш лозимки, бу ҳаракат бутун туркий заминнинг бирлашуви азалий эканини кўрсатади.



— Фахр билан айтиб ўтишимиз мумкинки, атоқли маърифатпарварларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда, — дейди Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи раҳбари Бахтиёр Ҳасанов. — Уларнинг азиз номлари билан аталадиган ёдгорлик мажмуалари, таълим муассасалари, музейлар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Ўзбекистон Олий суди мустабид тузум қатағонига учраган 1030 дан зиёд ватандошимизни оқлагани тарихий адолатни тиклаш йўлидаги янги қадам бўлди. Юртимизда ҳар йили август ойини "Қатағон қурбонларини ёд этиш ойи" сифатида ўтказиш, фидойи ватандошларимиз, уларнинг авлодлари яшаган ва яшаётган хонадонларга ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш, ворислари ҳамда яқинларига ҳурмат-эътибор кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Айни пайтда юртимиз маҳаллалари идораларида "Қатағон қурбонлари хотираси бурчаклари" ва "Маҳалла хотира китоблари"ни ташкил этиш, ҳар йили камида 100 нафар қатағон қурбони ҳамда жадид боболаримиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирадиган тўплам тайёрлаш режалаштирилган. Ушбу муҳим мавзуда архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, илмий тадқиқот ишлари учун мақсадли грантлар эълон қилиш, янги бадиий ва публицистик асарлар яратиш, хорижий илм-фан марказлари, фондлар ва музейлар, кутубхоналар билан ҳамкорликни ривожлантириш чоралари кўрилаётгани ҳам айтиб ўтилди.

> ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗ ХАЛҚЛАРИМИЗНИ ЖАҲОЛАТ ВА ҚОЛОҚЛИКДАН ОЛИБ ЧИҚИШ, УЛАРНИ ҒАФЛАТ БОТҚОҒИДАН ҚУТҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛИ БИЛИМ ВА МАЪРИФАТДА, ДУНЁВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЭГАЛЛАШДА, ДЕБ БИЛДИ. УЛАР АНА ШУ ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТИБ, ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ, ТЕАТР ВА КУТУБХОНАЛАР, НАШРИЁТЛАР ОЧДИ. ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ДУНЁҚАРАШИ ВА ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЎЗГАРТИРИШ МАҚСАДИДА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР НАШР ЭТДИ. ЁШЛАРНИ ИЛҒОР ДАВЛАТЛАРГА ЎҚИШГА ЮБОРДИ.

— Тожикистонда ҳам Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарашади, — дейди Панжикент шаҳридаги Тожикистон педагогика институти проректори, тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов. — Халқларимиз тарихий воқеликларни биргаликда бошдан кечирган. Азалдан ёнма-ён яшаб ижод қилган, бирга курашган, қувонган. Бугун илмий таҳлил жараёнида Иброҳимбек ҳақида гап бўлди. Кейинги йилларда Жанубий Тожикистонда — Афғонистон чегарасида жанг олиб борган қўрбошилар ҳаётига оид кўплаб тадқиқотлар қилинди. Мени ҳамиша Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди қизиқтириб келган. Кейинги пайтларда унинг асарлари ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинаётгани, китоблар чоп этилаётганини кўриб қувонаман. Бундоқ олиб қарасак, биз ҳам жадидмиз, яъни неожадидмиз. Улар ўз ғоялари учун жонини тиккан, курашган, биз эса ўша курашларнинг назарий асосларини тиклаб, ёш авлод қалбига олиб киришга ҳаракат қиламиз. Изланишларим асносида Садриддин Айний ёзган мана бу сўзларни ўқиб титраб кетдим: "1917 йил март ойида мендан жадид ким, деб сўрадилар. Ким газета ўқиса, тугмали қора кийим ва хориж пойабзалидан кийса, ҳафтада бир Тошкент ёки Самарқандга бориб келса, ўша одам жадид, деб жавоб бердим. Афсуски, икки ҳафта ичида шундай одамларнинг бир ярим минг нафари қатл қилинди".

Тадқиқотчи олимлар мунозара жараёнида жадидлар ҳақидаги ҳамма маълумотлар ҳам ҳақиқатга яқин эмаслигини, шу боис, уларни ўрганаётганда ниҳоятда ҳушёрлик ва зукколик билан ёндашиш зарурлигини айтиб ўтди. Зеро, архив ҳужжатларида ҳамон оқланмай келаётган боболаримиз номлари анчагина. Хўш, бугунги кун олимлари архив ҳужжатларини ўрганишда қандай муаммоларга дуч келмоқда?



Ушбу саволимизга Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти бўлим бошлиғи Машҳура Дармонова бундай жавоб берди:

— Биз "jadidlar.uz" электрон платформасини яратиш борасида ишладик. Шу кунгача 230 нафардан ортиқ янги жадид маърифатпарварини аниқладик. Энди Абдуваҳоб Ибодий, Файзулла Усмонов, Мўйинжон Аминжонов, Шокиржон Раҳимий, Отаулли Хўжаев, Муҳаммир Бурҳонов каби миллатпарвар юртдошларимиз номлари тарих саҳифаларига ёзиладиган бўлди. Уларнинг барчаси ҳам ижод қилмаган бўлиши мумкин. Лекин сиёсий чиқишлари, замонавий қарашлари ва дадил ҳаракатлари билан Ватанимиз озодлиги учун курашган. Мана шу жараёнда муаммоларга дуч келдик. Афсуски, кўплаб архивларда ҳали бу ҳужжатлар махфийлик доирасидан чиқарилмагани айтилади.

1865 йилдан то шу кунгача бўлган қатағон қурбонлари ҳақида хотира китобини яратиш устида тадқиқот ўтказдик. Давр ва замон мезонлари ўзгариши билан оқланган бўлса-да, ҳуқуқий жиҳатдан оқланмаган, ҳужжатлари тўғриланмай махфийлигича қолиб кетган кўплаб юртдошларимиз борлиги бизни ташвишга солди. Шу боис, архив ходимларидан замонга мос фикрлаб, ҳушёр фаолият юритишни сўраган бўлардим. Қариндошлари қатағон қилинган инсонлар эса ҳужжатларни излаб астойдил изланишини, ота-боболари номлари оқланишида охиригача жонбозлик кўрсатишини сўраган бўлардим.

АҚШнинг Мичиган университети докторанти Кристофер Форт билан суҳбатлашар эканмиз, мазкур конференция уни кўплаб жадид маърифатпарварлари билан таништираётганидан қувониб сўзлади:

— Бу анжуман олимлар ва тадқиқотчиларни жамлай олгани учун ҳам хурсандман. Кўплаб олимлар билан танишдим. Уларнинг маърузаларини чанқоқлик билан тинглаяпман. Мен Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қарашлари ва ижоди ҳақида маъруза тайёрлаганман. Бу сиз эшитган бошқа маърузалардан шуниси билан фарқ қиладики, Ҳамза аслида большевик бўлмаган, большевиклаштирилган. Агар сўзимга эътироз қилмоқчи бўлсангиз, унинг ижодини яхшилаб ўрганинг. У, асосан, жадидлар ғояларини тарғиб қилган. Мен конференциядаги мунозаралар майдонида жадид Маржоний номини кашф қилдим. Шунингдек, суҳбатдошларимга таржималарим ҳақида сўзлаб бердим. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Исажон Султоннинг "Алишер Навоий" романини таржима қилганман. Айни пайтда эса Чўлпоннинг "Замон хотини" пьесаси, Исажон Султоннинг "Боқий дарбадар" романи ҳамда Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" қиссасини инглиз тилига ўгирдим. Менга туркий халқлар тили ва ўзига хос талаффузи жуда ёқади. Таржима жараёнида билдимки, жадидлар ўз асарларида илгари сурган ғоялар бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда долзарбдир.



> БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР БОБОЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ОЛҒА СУРИЛГАН ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР, ТУРЛИ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАР ЎРТАСИДА БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНТИЛИШЛАР АЙНИ ГЛОБАЛ ДУНЁДА УЛҒАЯЁТГАН ҲОЗИРГИ АВЛОД УЧУН ЧИНАКАМ ИБРАТ НАМУНАСИДИР. УЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА ЖАСОРАТИ БУГУНГИ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА КУНЛАРГА ОСОНЛИК БИЛАН ЭРИШИЛМАГАНИНИ ЭСЛАТИБ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИ, ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАШГА ДОИМО ДАЪВАТ ЭТИБ ТУРАДИ.

Ҳақиқатан, буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар айни глобал дунёда улғаяётган ҳозирги авлод учун чинакам ибрат намунасидир. Уларнинг ҳаёти ва жасорати бугунги тинч ва осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганини эслатиб, миллий истиқлолимизни, жонажон Ватанимизни кўз қорачиғидай асрашга доимо даъват этиб туради.

Бу каби мулоҳазалар бир қанча маърузаларда таъсирли ёритиб берилди.

— Илмий анжуман аҳлига юзланиб, фахр билан айтмоқчиманки, мен уч буюк сиймо — Файзулла Хўжа, Усмон Хўжа, Атоулло Хўжага тааллуқли оилада дунёга келганман, — дейди бухоролик олим Иноятулло Сулаймонов. — Узоқ йиллар "халқ душмани" деган тамғани олиб юрган инсонларнинг бириман. Ҳар сафар Тошкентга келганимда боболарим қабрини зиёрат қилиш истагида қўлимда гул билан йиғлаб-йиғлаб Бўзсув канали бўйларига бораман. Уларнинг қачон ва қаерда отилганию кўмилганини ҳозиргача аниқлай олганим йўқ. Ниҳоят Файзулла Хўжаев отилган ва кўмилган жойни бориб кўриш менга насиб этди. Москвада Коммунарка деган жойдаги қабристонга бордим. Ўша жойда отилган 6600 кишининг номи ёзиб қўйилибди. Ана шу рўйхатда Файзулла Хўжаев номи борлигини кўриб, чексиз қувондим ва йиғлаб-йиғлаб дуо ўқиб, зиёрат қилиб қайтдим. Президентимиз 2016 йилда Бухорога ташриф буюрганида "Биз Файзулла Хўжаев ва унинг сафдошлари олдида қарздормиз!" деган эди. Шундан сўнг мен бор салоҳиятимни ишга солиб, жадид боболарим ҳақида учта китобни чоп эттирдим. Ушбу китобларни Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейига тақдим этаман.

Халқаро конференция ўз ишини якунлади. Анжуман Марказий Осиё минтақасидаги кўҳна тарих қаърида ёнган озодлик гулханлари ўз қаҳрамонларини ёш авлод кўз ўнгида, қалбида тирилтира олгани, юксак илмий лойиҳаларни ўртага ташлагани билан иштирокчилар кўнглини равшан қилди. Дам кўзимизга ёш олдириб, дам қувонтирган ушбу нуфузли анжуманда юзага келган самимий муҳит ва бирдамлик шуълалари Учинчи Уйғонишнинг ёрқин хотиралари сифатида тарих саҳифаларига ёзилади.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон айтганидек: "Эй кўҳна Турон, арслонлар ўлкаси! Уйғониш, бирлашиш онлари муборак бўлсин!".

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ВА МОНЕТАР ОМИЛЛАР

**Мутахассислар фикрича, дунёнинг аксар қисми, жумладан, Ўзбекистонда ҳам инфляция даражаси одам ёки оиланинг доимий равишда сотиб оладиган маҳсулотлари, товарлари ва хизматлари тўпламига нисбатан аниқланади. У қимматбаҳо товарлар билан эмас, балки бирламчи кундалик маҳсулотлар, масалан, турли хизматлар, нон, сабзавот, ўсимлик ёғи, тухум, гўшт, гуруч каби озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар билан ўлчанади. Уларнинг нархи ойма-ой ўзгариб туради. Бундай ўзгариш кўрсаткичига қараб, инфляция даражаси аниқлаб борилади.**

Статистика агентлиги маълумотига кўра, мамлакатимизда жорий йил ноябрь ойида инфляция 1,1 фоиз даражасида бўлди. Бу камида сўнгги 7 йилдаги минимал кўрсаткич ҳисобланади (2022 йил ноябрда — 1,34, 2021 йилнинг шу даврида — 1,22, 2020 йил — 1,53, 2019 йил — 1,73 фоиз).

Январь-ноябрь ойларида инфляция 7,43 фоизгача пасайди (беш йил ичидаги минимум). Йиллик инфляция (ўтган йилнинг ноябрь ойидагидан) 8,76 фоизга тушди. Бу 2016 йил августидан буён энг паст кўрсаткич (8,6 фоиз). Йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари ўртача 10,1 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 7,5 фоиз, хизматлар 8,3 фоиз қимматлади. Алоҳида маҳсулотлар кесимида ноябрь ойида тухум нархи 2,9 фоиз (октябрда +10,5 фоиз эди), шакар 2 фоиз, сут 0,2 фоиз ошишда давом этди. Гуруч ва гуруч оқшоғи 0,6 фоиз, буғдой уни 0,8 фоиз, мол гўшти 0,2 фоиз, кунгабоқар ёғи 0,5 фоиз арзонлашди.

Сабзавот ва мевалар орасида ноябрь ойида октябрдагига нисбатан энг кўп бодринг (81,8 фоиз), помидор (69,7 фоиз), анор (63,3 фоиз), тарвуз (35 фоиз), бақлажон (30,8 фоиз), булғор қалампири (27,5 фоиз), банан (1,8 фоиз) қимматлаган. Картошка 3 фоиз, пиёз 7,1 фоиз, лимон 12,8 фоиз, карам 19,8 фоиз, сабзи 25,7 фоиз арзонлашган.

Тайёр таомлар 1,3-6,3 фоиз, ошхоналардаги таомлар 1,2-5,9 фоиз, тезпишар таомлар тайёрланадиган ошхоналардаги таомлар 0,6-4,6 фоиз оралиғида қимматлашди.

Аҳолининг нарх кутилмалари сентябрь ойида ўртача 13,5 фоизни ташкил этганди. Октябрда бу кўрсаткич 0,2 фоиз бандга ортган. Марказий банк сўровномасида иштирок этган 2950 респондентнинг аксарияти келгуси бир йил ичида нархлар ошишига, асосан, валюта курси ўзгариши (59 фоиз), ёқилғи ва энергия қимматлашиши (49 фоиз), коммунал хизматлар нархи (36 фоиз) ошиши таъсир қилишини кутмоқда.

2022 йилда юртимизда инфляция даражаси 12,3 фоизни ташкил этди. Барча иқтисодий механизмларни қўллаб, жорий йилда бу кўрсаткични 10 фоиздан пастга тушириш мақсад қилинган.

## Куттираётган таргетлаш ва молиявий барқарорлик

Мамлакатимизда инфляцияни жиловлаш ва пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар Президентимиз топшириғи билан 2017 йил сентябрда бошланган эди. Икки йиллик тайёргарлик жараёнидан сўнг давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 ноябрдаги "Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонига кўра, Марказий банк зиммасига 2020 йил 1 январдан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Тошкент молия институти ҳузуридаги Молия-банк ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқлараро институти директори, доцент Замир Холмаҳмадов қайд этишича, инфляцион таргетлаш давлат органлари томонидан мамлакатда инфляция даражасини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган монетар чоралар комплекси ҳисобланади. Бунинг учун ўрта муддатли макроиқтисодий прогноз, кейин эса ундан четга чиқиш кузатилса, иқтисодиётдаги оптимал ҳолатга қайтиш имконини берувчи чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Марказий банк 2020 йил бошидан инфляцион таргетлаш режимига фаол ўтишни бошлади ва доимий мақсадли таргет сифатида 2023 йилда инфляциянинг 5 фоизли даражасига эришиш вазифасини белгилади. 2022 йил 22 июлда эса регулятор 5 фоизли таргет мақсадига эришиш муддатини 2024 йил охиригача узайтирди.

Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуротов шу йил 15 ноябрь куни Қозоғистон молиячилари конгрессида сўзлаган нутқида бугунги инфляцион жараёнда кучли барқарорлик ва бўйсунмаслик кузатилаётганини эътироф этар экан, "Ўзбекистон тажрибасидан келиб чиқиб айтаманки, октябрь ойи охирига келиб, биз 9 фоизли йиллик инфляция даражасига эришдик ва бу прогнозларимиз доирасига тўғри келади. Айни пайтда таъкидлаб ўтишим керакки, базавий инфляция даражаси ҳали ҳам умумий инфляциядан қарийб 0,6 фоиз пункт юқори шаклланмоқда", деди.




Бу Ўзбекистон Марказий банки операцион воситалардан фойдаланиб, ҳам бизнес, ҳам аҳолининг инфляцион кутилмаларини пасайтиришга эришиши кераклигини кўрсатаётганидан далолат беради.

"Шу сабабли биз инфляция ва пул бозорига нисбатан юқори маржа фоизига қарамай, жорий йилнинг март ойидан буён ставкани анча чекловчи — 14 фоиз даражада ушлаб турибмиз, — деди М.Нурмуротов. — Юқори ноаниқлик ва ўзгарувчанлик даврида пул-кредит сиёсатининг ўзи ҳам ноаниқлик манбасига айланмаслиги, ҳар бир қадамимиз атрофлича ўрганилган, сигналлар аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Фикримизча, бугунги кунда нархлар барқарорлиги бўйича асосий синов, бир томондан, ички таклифнинг айрим компонентлари қолоқлиги бўлса, иккинчи томондан, бюджет сиёсати билан кучайтирилиши давом этаётган ва ҳозир валюта бозорида босим яратиб, импорт орқали қондирилаётган ички талабнинг ўсиши ҳисобланади".

Марказий банк раиси иқтисодий фаоллик кечиктирилган талабни тўлиқ қондириш учун зарур бўлган таклифни ярата олмайдиган сегментларда жамланган шароитда регуляторнинг вазифалари ҳақида ҳам ўз нуқтаи назарини билдирди. Унинг фикрича, турли шаклларда — миқдорий юмшатиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини субсидиялаш ва фаолликни тиклаш каби кўринишларда амалга оширилган кенг кўламли фискал рағбатлантиришдан сўнг минтақанинг барча иштирокчилари иқтисодий фаоллиги тез даромад келтирадиган сегментларга жамланди:

"Бу — қурилиш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаси. Улар, шубҳасиз, кечиктирилган талабни ҳар тарафлама қондириш учун зарур бўлган таклифни яратмайди ва шуни таъкидлашим керакки, бизда, хусусан, узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтирадиган ва пировардида истеъмол талабини қондириши лозим бўлган саноат тармоқлари ўсиши талаб омилларининг ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда. Бундай шароитда Марказий банк нима қилиши мумкин? Бу ерда биз фақат макроиқтисодий ўсиш учун шароит яратишимиз мумкин — бу фақат инфляцияни прогноз қилинган кўрсаткичлар доирасида ушлаб туришдир".

## Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари

Марказий банкнинг 26 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида пул-кредит сиёсатининг 2024 йил ва 2025-2026 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Унда макроиқтисодий ривожланишнинг барча сценарийларида Марказий банкнинг асосий мақсади нархлар ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилади. Келгуси йилларда ташқи иқтисодий шароитларда жорий вазиятнинг кескин ўзгаришларсиз ривожланиши ва таркибий ислоҳотларнинг фаол давом эттирилиши асосий сценарий шартлари этиб белгиланган бўлса, ноаниқликлар янада кучайиши ва ташқи шароитларда хатарли шоклар юзага келиши муқобил сценарий шартлари сифатида қайд этилди.

Асосий сценарийни ишлаб чиқишда кейинги йилларда макроиқтисодий тўғриланишларнинг амалга оширилиши, яъни энергия, транспорт ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигидаги таркибий ислоҳотларнинг фаол босқичга кўчиши ва айримларининг мантиқий якунига етказилиши, фискал консолидация бошланиб, умумий фискал дефицит ҳажми 2023 йилги кўрсаткичлардан қисқариб бориши, иқтисодиётда давлат улуши камайиши, ислоҳотлар натижасида хусусий инвестиция ва экспорт ҳажми юқори суръатларда ўсиши кабиларга таянилган.



Ушбу сценарий доирасида янгиланган прогнозларга кўра, 2022-2023 йилларда юзага келган ташқи вазиятдаги ўзгаришларнинг таклиф омилларига бўлган босими узоқроқ сақланиб қолаётгани ҳамда айрим тартибга солинадиган нархлар тўғриланишининг умумий инфляцияга таъсирини инобатга олиб, унинг доимий 5 фоизли таргетига эришиш даври 2025 йилнинг иккинчи ярмига тўғри келиши бўйича асосларни юзага келтирмоқда.

Мазкур қарор доимий 5 фоизли таргет ўзгартирилганини эмас, балки унга эришиш даври узайтирилганини англатади. Шунингдек, таргетга эришиш даври узайиши, бир томондан, иқтисодиётдаги ялпи таклифнинг ички истеъмол талабини етарли даражада қондиришда кечикаётганини, бошқа томондан, ялпи талабни тийиб туришга қаратилган кескин чоралар кўрилган тақдирда иқтисодий фаоллик ва молиявий барқарорликка жиддий хатарлар туғдириши мумкинлиги билан боғлиқ.



Бу, ўз навбатида, инфляцияни таргет кўрсаткичига қадар самарали пасайтириш учун унинг монетар омиллари таъсирини камайтириш билан бирга, ялпи таклифни оширишга қаратилган чораларни янада кучайтириш лозимлигини англатади.

Макроиқтисодий ривожланишнинг асосий сценарийси доирасида 2024 йилда инфляция даражаси 8-9 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Буни таъминлаш учун пул-кредит шароити келгуси йилда ҳам нисбатан қатъий фазада сақлаб қолинади.

Айни пайтда 2024 йилда тартибга солинадиган нархларнинг тўғриланиш даражасидан келиб чиқиб, инфляция прогнози қайта янгиланиши ва мос равишда пул-кредит шароитларига ўзгартириш киритилиши мумкин. Кутилаётган ўзгаришлар инфляцион кутилмаларга кескин таъсир кўрсатган тақдирда пул-кредит шароитлари ўзгартирилади ҳамда кенг жамоатчилик билан алоқалар янада фаоллаштирилиб, ҳар бир чора тушунтириб борилади.

Пул-кредит сиёсати таъсирчанлигини оширишда банк тизимида долларлашув даражасини пасайтириш, имтиёзли кредитлаш амалиётини қисқартириш ва бозор тамойиллари асосида шаклланувчи фоиз ставкаларига ўтиш борасида чоралар давом эттирилади.

Асосий сценарий доирасида 2024 йилда ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш прогнози 5-5,7 фоиз атрофида бўлиши, 2025 йилда 5-6 фоиз ва 2026 йилда 5,5-6,5 фоиз атрофида шаклланиши прогноз қилинмоқда. Бунда хусусий секторнинг инвестицион ва ишлаб чиқариш салоҳияти ошиб бориши, тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳамда экспортнинг юқори суръат касб этиши иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи омил бўлиши кутилмоқда.

Муқобил сценарий доирасида, асосийсидан фарқли ўлароқ, ташқи шароитларнинг бирмунча ноқулай шаклланиши ички нархларга қўшимча босим яратишини кўзда тутган ҳолда 2024 йилда инфляция даражаси 9-10 фоиз атрофида бўлиши инобатга олинган.

Бунда доимий таргетга эришиш даври янада узоқроқ вақтга кечикиб, 2025 йилда инфляция 7-8 фоиз атрофида бўлиши ва 2026 йил якунига келиб, 5 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда. Мазкур сценарий доирасида иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватловчи асосий омил фискал рағбатлантиришлар бўлади. Бунда ўрта муддатли истиқболда ЯИМ реал ўсиши базавий сценарийда келтирилган прогнозларга нисбатан 1,5-2 фоиз бандга пастроқ бўлиши мумкин.

Муқобил сценарий шартлари юзага келганда пул-кредит шароитларини янада қатъийлаштириш чоралари кўрилади.

## 2024 йилги давлат бюджетининг эҳтимолий хатарлари

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги эълон қилган "Бюджетнома"да 2024 йил давлат бюджети прогнозларида кузатилиши мумкин бўлган хатарларга ҳам эътибор қаратилган.

Геосиёсий зиддиятлар кучаётгани бозордаги нархлар ўсиши ва товарлар тақчиллигига олиб келиб, натижада мамлакатда **инфляция босими кучайиши** мумкинлиги **асосий хатар** сифатида кўрилмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси прогнозларига кўра, дунё бўйлаб марказий банклар томонидан инфляция ошишига қарши чоралар кўрилиши натижасида глобал инфляция даражаси 2022 йилги ўртача 8,7 фоиздан 2023 йилда 6,9 фоизгача ва 2024 йилда 5,8 фоизгача тушиши, бироқ пандемиядан олдинги даврдан (2017-2019 йиллардаги 3,5 фоиз) юқори даражада бўлиши кутилмоқда. Глобал инфляция даражаси тушишига асосий омил сифатида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат ва бошқа турдаги товарлар нархларида пасайиш кузатилаётгани кўрсатилган.

Юқоридаги ҳолатлар натижасида Ўзбекистонда инфляция даражаси 2022 йилдаги 12,3 фоиздан 2023 йилда 9 фоизгача тушиши кутилмоқда.

Глобал миқёсда озиқ-овқат нархи кескин ўсиши аҳолининг заиф қатламларига салбий таъсир қилиб, уларни озиқ-овқат нархларининг юқорилигидан ҳимоя қилиш заруратини келтириб чиқариши мумкин ва бу, ўз навбатида, бюджетнинг ижтимоий харажатлари ошишига олиб келади.

"Бундан ташқари, инфляцион босим остида иш ҳақи ва пенсия тўловларининг қўшимча индексацияси амалга оширилиши, миллий валютанинг асосий жаҳон валюталарига нисбатан қадрсизланиши, меҳнат мигрантларининг оммавий мамлакатга қайтиши ва Ўзбекистонда доимий даромад манбаига эга бўлолмаслиги оқибатида давлат бюджетидан нафақа олувчи оилалар сони ортиши каби омиллар таъсирида бюджет харажатлари ошиши кутилади", дейилади "Бюджетнома"да.

Шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган **қарз (кредит) маблағлари бўйича фоиз ставкаси ўсиши** ташқи қарз маблағини жалб қилиш жозибадорлигини пасайтириши мумкин. Ушбу глобал тренд ва ташқи омиллар натижасида давлат бюджети прогнозларида кузатилиши мумкин бўлган рисклар қуйидагича кўриниш олиши мумкин:

— **иш ҳақи** миқдори қўшимча равишда 1 фоиз оширилиши йилига 1,3 триллион сўм атрофида, **пенсия** миқдори 1 фоиз оширилиши эса 600 миллиард сўм миқдорида қўшимча харажатлар талаб этади;

— **сўм алмашинув курси**нинг 100 сўмга қадрсизланиши йиллик давлат бюджети харажатлари 400 миллиард сўм ошишига олиб келади;

— **олтин нархи** прогнозда кўзда тутилган 1 унция учун 1800 доллардан 100 доллар пасайиши 4,5 триллион сўм, **мис нархи** прогнозда кўзда тутилган 1 тоннаси учун 7800 доллардан 500 доллар пасайиши 940 миллиард сўм ҳамда **энергия ресурслари тарифлари** оширилмай қолиши 1,5 триллион сўм бюджет даромадлари камайишига олиб келиши мумкин.

Қайд этиш жоиз, 2024 йил бюджет қонуни лойиҳасига кўра, унинг даромадлари 270,3 триллион сўмни, харажатлар эса 279,6 триллион сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Давлат бюджети лойиҳаси 4 фоизли дефицит билан ишлаб чиқилган. Шунингдек, келгуси йилда иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдорини ошириш режалаштирилган.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ**
**шарҳи**

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ

# ТОҒ БАҒРИДАГИ ОБОД ҚИШЛОҚ



**Назари — Бойсун туманининг олис тоғ қишлоқларидан бири. Пурвиқор Бойсун тоғи этагида жойлашган қишлоқ бетакрор чиройи, қалин арчазорлари билан ҳавасни келтиради. Иқлими мўътадил, айни ёз чилласида тўрт фасл ҳолатини кўриш мумкин. Қоятошлар устидаги қор то келгуси қишгача эримайди. Кузда об-ҳаво ғуборли бўлса-да, олма, беҳи ва бошқа мевалар ғарқ пишиб, экилганига 30-40 йил бўлган ёнғоқ мевалари "мени териб ол" дегандек, пўст ташлайди. Кузда тез-тез ёмғир ёққани учун ўт-ўлан қуриб қолмайди, ям-яшил бўлиб баҳордагидек яшнаб туради, турфа гуллар эса кўкламдагидек кишини ўзига шайдо қилади. Ёзи илиқ, қуёш чарақлаб турса-да, қуюқ парқур булутлар тўсгани учун майин шабада эсиб, салқиндан эт жунжикади.**

Тоғ қишлоқларидаги аёлу эркакнинг ранги тоза, эркаклар алп келбатли, бардам-бақувват.

Тонг саҳарда 92 ёшли Бўта Бегалиевни харсанг тошлар этагида учратдик. Ҳамон илдам ва бардам бобони суҳбатга тортдик. Аёли Сафаргул Каримова 87 га кирган. Эру хотиннинг айтишича, умрида ҳеч қурса бир бор шифохонага бормаган. Бирор хасталик юзасидан дўхтирларга мурожаат қилмаган. Айримлар бош оғриғини қолдириш учун фойдаланадиган дорини ҳам оғзига олиб кўрмаганини бобо завқ билан ҳикоя қилади. Бобо узоқ умр кўриш сирини тоза ҳаво, тоғда сокин яшаш, доимий ҳаракат ва меҳнатда, кимёсиз етиштирилган мева-чева, сабзавот, кўкатлар, соф сут-қатиқ истеъмол қилишда, деб изоҳлайди.

Назари қишлоғи яқин йилларгача Қўрғонча давлат хўжалиги таркибида бўлган. Ҳозир "Хўжаидод" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли катта қишлоқ. Маҳалла бўйсунувидаги Назари, Гулибоғ, Шоҳтут, Қўрғонча қишлоқларидаги жами 315 оилада 1305 киши яшайди.

Бу ерликлар, асосан, чорвачилик, боғдорчилик ҳамда лалми деҳқончилик билан машғул. Экин экиладиган далаларда 8 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти. Улар шартли суғориладиган майдонларда олма, нок, ёнғоқ каби мевали дарахтлар парваришлаш билан бирга, ҳар бири ўртача 30-35 гектар далада уруғлик учун беда ҳам ўстиради.

Аҳоли бирор муаммога дуч келса, аввало, маҳаллага боради, оқсоқол билан маслаҳатлашади. Маҳалла оқсоқоли Абдуҳошим Муҳаммадиев юртпарвар, элнинг суянчи, жонкуяр инсон. Касби ўқитувчи бўлган, маоши тайин, бўш пайтда қўй-эчкисини боқиб, олмазорда меҳнат қилиб, оиласи билан фаровон яшаб юрган Абдуҳошим акани оқсоқоллар қўярда-қўймай маҳалла раислигига сайлаганди. 2003 йилдан то 2016 йилгача оқсоқолликни аъло даражада эплади, қишлоқдошлари турмушини фаровонлаштиришга имкон қадар ҳисса қўшди.



Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлардан ёрдамини аямади.

Шундан сўнг бир муддат Назари қишлоғидаги 44-умумтаълим мактабида ўқитувчилик қилди. Орадан уч йил ўтиб, қишлоқ одамлари яна "Абдуҳошим Муҳаммадиев маҳалла раиси бўлсин", деган талаб билан чиқди. Ноилож, қишлоқдошларининг юзидан ўтолмади. 2019 йилдан то шу йил май ойигача раислик қилиб, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва тоғликлар муаммосини ҳал этиш мақсадида бир оёғи қишлоқда, бир оёғи туман марказида бўлди.

Халқ учун, айниқса, тоғ шароитида энг муҳими — йўлнинг равонлиги. Чунки йўл эпақага келмаса, туман маркази ва бозор-ўчарга бориб келиш учун одамлар эшак ва отда кунлаб йўл босади.

Маҳалла оқсоқоли Абдуҳошим Муҳаммадиев бу масалани кунора туман раҳбарларига айтишдан чарчамади. Халқ депутатлари туман кенгаши сессияларига қатнашиб, йўл масаласини ҳал қилишни сўрайверди. Тақиллатилаверган эшик кун келиб очилади деганларидек, ниҳоят, Хўжаидод маҳалласига элтадиган йўл таъмирланадиган бўлди. "Обод маҳалла" дастурига асосан, 2021 йили маҳалла таркибидаги қишлоқларга элтадиган 14,5 километр йўлни жорий таъмирлашга киришилди. Пудратчи ташкилот — Бойсун тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси жамоаси республика бюджетидан ажратилган 1 миллиард 723,6 миллион сўм эвазига Гуматак қишлоғи ҳудудидан бошланадиган тоғ йўли ҳамда Назари қишлоғидаги Гулибоғ, Шоҳтут, Қўрғонча, Назари кўчаларини текислаш, таъмирлаш ҳамда қум-шағал аралашмаси ётқизиш ишларини бажарди.

Йўлсозлар йўлни сифатли таъмирлаши, ишни чала ташлаб кетмаслиги учун маҳалла оқсоқоли Абдуҳошим ака ойлаб уйига бормади, улар билан бирга яшади. Гоҳ ўз маблағи, гоҳ маҳалладошлари ҳиммат қилиб берган маблағ ҳисобига иссиқ овқат ва чой ташкил этиб, йўлсозларга доимий кўмакчи бўлди. Натижада уч ой деганда 14,5 километр йўл техника эркин юрадиган ҳолатга келди.

Маҳалла оқсоқоли Абдуҳошим Муҳаммадиев боғдорчилик ва чорвачилик соҳасида ҳам қишлоқдошларига ибрат. Бўш вақтида қўй-эчки, қорамол боқади. Бундан ташқари, тоғ қияликларидан машаққат ила ўзлаштирган бир гектардан зиёд майдондаги олманинг кримсон, гольден навлари кўчатларидан 800 туп экиб, тўлиқ кўкартириб олган. Охирги йилларда оқсоқолнинг мўъжаз олмазоридан 15 тоннагача ҳосил олиняпти. Ўтган йили оила аъзолари 80 миллион сўмга олма сотган бўлса, қолган қисмини эҳтиёжмандларга улашди. Абдуҳошим Муҳаммадиев ҳозир олмаларини узяпти, ҳосил мўллигидан хурсанд.

Тоғликларнинг каттаю кичиги илм олишга, китобхонликка қизиқади. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда ҳамда Бойсун тумани марказидан анча олисда жойлашган Хўжаидод маҳалласи таркибидаги Қўрғонча, Назари, Алачопон ва бошқа тоғ қишлоқлари халқи орасида илмга ташна, билимдон, ўқиб-изланадиган инсонлар жуда кўп. Тоғда вояга етиб, катта шаҳарларга бориб, олийгоҳларда таҳсил олган ва илмий ишлар билан шуғулланиб танилган донишманд инсонлар сон-саноқсиз. Тоғлик ёшлар ҳам илм чўққиларини забт этиши учун 18 ва 44-умумтаълим мактабларида шаҳардагидан қолишмайдиган шароитлар муҳайё. Мисол учун, Назари қишлоғида жойлашган 44-мактабда 210 нафар ўғил-қиз таҳсил оляпти. 24 нафар тажрибали ўқитувчи ёшлар таълим-тарбиясига масъул. Фақат шу мактабнинг ўзида 2 та синфхонада 60 та компьютер тўплами бор, ўқувчилар ахборот технологиялари сирларини пухта ўзлаштирмоқда.

Юртимизнинг энг гўзал гўшаларидан бири бўлган Бойсун тумани тоғ қишлоқларидаги одамлар шундай сокин, шундай фаровон, бугунидан қувониб, эртасига ишониб ҳаёт кечирмоқда.

**Усмонали НОРМАТОВ,**
**журналист**

НУҚТАИ НАЗАР

# МУҲАНДИСЛИК ТАЪЛИМИ

## КЎП ЙИЛЛИК МУАММОЛАРДАН САМАРАЛИ ЕЧИМ САРИ

**Муҳандислик жамият муаммоларига хавфсиз ечим топиш учун зарур бўлган иншоот, ускуна, мосламаларни таъмирлаш, лойиҳалаштириш учун илмий, математик, иқтисодий, ижтимоий ва амалий билимлар олиш ҳамда қўллаш билан боғлиқ тизимлар мажмуидир. Шу боис, муҳандислик таълимининг сифати ва самарадорлигини таъминлаш муҳим масала бўлиб қолмоқда.**



**Сардор ДОНАЕВ,**
**Тошкент давлат техника университети проректори, физика-математика фанлари доктори, профессор**

Олий таълим муассасалари битирувчилари малакасининг ишлаб чиқаришдаги замонавий талабларга мувофиқлиги, олимларнинг тадқиқотчиликда илмий ва инновацион фаолиятга таяниши ўқитиш сифати ва самарадорлиги билан боғлиқ. Шунинг учун муҳандислик таълимини такомиллаштириш масаласи долзарб бўлиб, сўнгги ўн йилликларда олий таълимдаги ислоҳотлар жамиятнинг муҳандисларни тайёрлаш ҳолатидан норозилигидан далолат беради.

Муҳандислик-техника соҳасида фаолият юритаётган олий таълим муассасалари, асосан, модернизация марказларига ўхшаб қолгани боис, позициясини мустаҳкамлаб ололмаяпти. Бу ҳолат муҳандислик касбининг мавқеи пасайгани, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция узилиб қолгани ҳамда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, шунингдек, техника йўналишидаги ОТМларнинг илғор технологиялар яратиш ва корхоналарни модернизация қилишдаги иштироки сусайгани билан изоҳланади. Шу туфайли ҳозирги шароитда мутахассислар тайёрлаш сифати, талабаларнинг илмий тадқиқотчилик компетенцияси ва ёш инноваторларни тайёрлаш аҳамиятини ошириш мушкул бўлмоқда.

Илм-фан, техника ва ахборот технологиялари тараққиёти натижасида юзага келган турли янгиликларни амалиётга жорий этиш орқали маҳаллий муҳандислик таълимини нафақат сақлаб қолиш, балки кучайтириш зарур. Бу олий таълим тизимини янгидан қуриш, ўқитиш жараёни тубдан ўзгариши билан тавсифланади.

Ҳозир янги таълим моделлари пайдо бўлмоқда ёки эски моделлар янги таркиб билан тўлдирилмоқда ҳамда ривожлантирилмоқда. Шу билан бирга, бутун дунёда муҳандислик таълими сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки технологиялар, техник тизимлар мураккаблашади. Уларнинг иқтисодиёт ва умуман, жамият ривожидаги роли кучаяди. Шу маънода, муҳандислик таълимини модернизация қилиш мамлакатнинг технологик ривожланиши, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ долзарб масалалардан биридир. Зотан, машинасозлик тармоқларидаги энг малакали ва фаол мутахассисларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетиши натижасида кадрлар танқислиги юзага келди. Ёш муҳандислар энг яхши моддий ёрдам, энг яхши истиқбол ва обрў-эътибор берадиган корхона ва соҳаларни танлади.

Мамлакатимизда иқтисодий аҳвол сезиларли даражада яхшиланди. Бироқ муҳандислик таълимидаги вазият ҳали ҳам ташвишланарли. Талабаларни биринчи курсга сифатли қабул қилиш муаммоси кучайиб, кейинчалик олий таълим муассасаларида ўқишда жиддий, баъзан енгиб бўлмайдиган қийинчиликларга олиб келмоқда. Муҳандислик таълимидаги муаммолар бутун дунёда катта ташвиш туғдирмоқда. ЮНЕСКО ташкилоти ҳисоботига кўра, бу муаммолар глобал характерга эга, дунёнинг барча минтақасида бир хил даражада долзарб.

Сўнгги йилларда муҳим аҳамиятга эга қатор илмий нашрлар ва баъзи халқаро форумлар материаллари муҳандислик таълимининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш, бу тўғрида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Масалан, аэрокосмик муҳандислик таълимидаги инновациялар ва модернизация билан боғлиқ долзарб муаммолар Пекиндаги Бейхан университетида бўлиб ўтган биринчи халқаро форумда кенг мунозараларга сабаб бўлди.

Хитойда "Истеъдодлиларни тарбиялаш: университет, профессор, талаба" номли халқаро ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилган. Бунда хусусий таълим ислоҳоти кўзда тутилган бўлиб, у иккита кичик дастур доирасида амалга оширилади: талабалар алмашинуви ва етакчи университетлар билан ҳамкорликда ўқитиш. Шу билан бирга, муҳандислик факультетларининг рейтингни оширишдаги роли етарли эмаслиги долзарб муаммо, деб топилган. Хитойлик олимлар ушбу масалани ҳал қилиш нуқтаи назаридан муҳандислик факультетлари фаолиятининг икки йўналиши катта аҳамиятга эга эканини таъкидламоқда. Биринчиси — илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, иккинчиси — муҳандислик таълими технологияларини такомиллаштириш.



Франция Миллий фуқаро авиацияси мактаби раҳбари, профессор Марк Ҳоуалланинг айтишича, бу мамлакатда муҳандислик таълимини модернизация қилишдан мақсад саноат талабларига мослаштирилган Европа муҳандислик таълим тизимини яратишга қаратилган. Ушбу тармоқдаги шериклар ҳамкорлиги ижобий тажрибага эга.

Инглиз муҳандислик мактабидаги янги тенденцияларнинг муҳим хусусияти университетда саноат билан интеграцияга йўналтирилган ўқув жараёнини йўлга қўйиш билан боғлиқ. Талабалар ўқув-муҳандислик дастурларини бажариш учун саноат корхоналарига жойлаштирилади. Муҳандислик факультети талабалари билан ўтказилган тадқиқотларга кўра, амалиёт уларга касбий ўсиш учун муҳим аҳамиятга эга муҳандислик тажрибасини беради.

Европа университетлари саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга ва шу асосда фаолиятини ривожлантиради. Масалан, Чехияда ҳамкорликнинг бир нечта модели қўлланилади. Хусусан, Чехия техника университети таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида мудофаа саноати корхоналари билан ҳамкорлик қилади.

Алоқа ва тезюрар транспорт воситалари ривожланиши билан глобал иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги мустаҳкамланмоқда. Янги инновацион маҳсулотлар яратиш орқали муҳандислар иқтисодиётнинг янада жадал тараққий этишига ҳисса қўшади. Муҳандислик таълими университет битирувчисини ўзгарувчан дунё талабларига тез мослашиш, унда ўзини қулай ҳис қилишга имкон берадиган ўқитиш функциялари билан таъминлаши керак.

АҚШнинг Айова штати университети талабалар ўртасида қизиқ сўровнома ўтказди. Биринчи курс талабаларидан келажаги учун нимани — гўзаллик, куч, бойлик, билим, доноликдан қай бирини танлаши сўралди. Баъзилар куч ва бойликни танлади. Уларнинг фикрича, агар инсонда куч ва пул бўлса, ўзи хоҳлаган ҳамма нарсага эга бўлади. Талабаларнинг ушбу тоифаси келгусидаги бизнесменлардир. Бошқалари эса келажак учун билим ва доноликни танлади. Агар сизда билим ва донолик бўлса, қолгани келади, дейди улар. Бу муҳандиснинг фалсафасидир.

XXI асрда саноат талабларига жавоб берадиган муҳандислар тайёрлаш муаммоси янги материаллардан конструкциялар ишлаб чиқариш учун математика, физика фанлари бўйича юқори даражали билимларни эгаллаш ва технологияларни яратиш билан ҳал этилади. Шунингдек, муҳандис қитъалар бўйлаб интернет орқали мулоқот қилиб, глобал тармоқларда ишлай олиши керак. Талабгорлар билан ишлаш, саноат билан ҳамкорлик ўрнатиш кўникмасига эга бўлиши зарур. Ушбу фазилатларни шакллантириш учун ўқув жараёнига турли фанлар бўйича мутахассислар жалб қилинади. Улар ёрдами билан талабалар жамоаларида конструкторлик ва тадқиқотчилик муаммоларини ҳал қилиш жараёни ташкил этилади. Бундай дарсларни ўтказиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳаларни амалга ошириш асосида жамоаларда экспериментал машғулотлар ўтказилади. Биринчи йили барча жамоа лаборатория синовларида қатнашади ва амалий лойиҳалар бажаради. Юқори курсларда талабалар фанлараро бир йиллик лойиҳани амалга оширади ва миллий танловларда қатнашади. Бунинг учун гибрид электр транспорт воситалари, автомобиль ёнилғи технологиялари, ақлли транспорт тизими, газ турбинаси материаллари ва бошқа тадқиқот йўналишлари мос келади.

Россия муҳандислик таълими саноатда мустаҳкам илдизга ва шаклланиш даврида ўрнатилган бой анъаналарга эга. Улар ёрдами билан мамлакатнинг илғор муҳандислик мактаблари чуқур инқироз шароитида ҳам илмий ва таълим салоҳиятини сақлаб қолди. Россиядаги саноат корхоналари узоқ вақтдан буён муҳандислар тайёрлашда университетларнинг фаол ҳамкори бўлиб келган. Хусусан, Москва давлат техника университети, Москва физика-техника институти, Москва авиация институтида саноат корхоналари билан интеграциялашган тузилмалар ташкил этилган.

Муҳандислик таълимини ривожлантириш бўйича Тошкент давлат техника университетида ҳам муайян ишлар қилиняпти. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни кучайтириш шулар жумласидан. Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан 160 дан ортиқ инновацион корпоратив ҳамкорлик шартномаси имзоланган. 2022 йилда корхоналарнинг 830 дан ортиқ илмий-технологик муаммоси базаси ташкил қилиниб, улар ечимига қаратилган 370 дан ортиқ магистрлик, 80 дан зиёд докторлик диссертацияси тайёрланмоқда.

Университет олимлари корхоналарнинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда талабаларнинг ишлаб чиқариш ҳамда битирув-малакавий амалиётини ташкил этяпти. Талабалар амалиёт ўташ даврида корхонада қўлланаётган замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан танишмоқда.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимиздаги техникага ихтисослашган олий таълим муассасалари учун ишлаб чиқариш билан интеграцияни янада ривожлантириш, йирик замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ўқиш жараёнини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси технологиялар ва инновацияларни жадал ривожлантиришда замонавий дунё билан ҳамоҳангликни назарда тутади. Шу боис, Ўзбекистон олий таълим тизимининг бу борадаги асосий вазифаларидан бири муҳандислик таълимини ривожлантириш, илм-фан ва технологияларнинг илғор йўналишлари соҳасидаги билимларни, шунингдек, жадал ривожланаётган дунёда тизимли ва ижодий фикрлаш кўникмаларини эгаллаган мутахассисларни мақсадли тайёрлашдир.

Президентимиз Мурожаатномада "...Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз", деган эди. Бу мамлакатимиз келажаги бўлган иқтидорли ёшлар учун муҳандислик соҳасини ривожлантириш борасида барча имконият яратилгани ҳамда олий таълим тизимидаги ислоҳотлар ўз натижасини беришини кафолатлайди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВИ

## бунёдкорлик ва тараққиёт тимсоли



Бошланиши 1-бетда

Янги шаҳар улкан орзу-мақсадлар йўлида қанот ёзиб, осмонга бўйлашаётган тинчлик ва бахт-саодат элчиси Ҳумо қушини ёдга солади. Замонавий шаҳарсозлик анъаналари асосида қад ростлаётган янги массивда аҳоли кундалик турмуши учун муҳим бўлган барча инфратузилма тармоқлари, дам олиш масканлари қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда 7 ва 25 қаватли биноларга ҳамоҳанг таълим, тиббиёт, спорт мажмуалари, боғ ва хиёбон, ҳордиқ масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш катта уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бунёдкорлик ишларида қудратли техникалар, 50 дан ортиқ пудратчи корхоналар, 4 мингдан зиёд қурувчи-ёшлар меҳнат қилмоқда.

— Ўзига хос меъморий қиёфага эга шаҳарча лойиҳаси мамлакатимизда камёб саналади, — дейди қурилиш штаби бошлиғи Козимжон Анваров. — Экологик тоза, яшил иқтисодиётга асосланган лойиҳалардан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир уй энергиятежамкор. Шаҳар об-ҳавосини мўътадиллаштириш, ҳудудни обиҳаёт билан таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 11 километр канал қурилиши поёнига етди. Мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида ариқлар бетонлаштирилди, ақлли суғориш тизимлари жорий этилди. Сунъий кўл ва замонавий фавворалар қурилиши ниҳоясига етмоқда. Дамкўл қишлоғидан 14,2 километр тоза ичимлик суви, 7,5 километр юқори кучланишга эга электр тармоқлари тортилди. 11,2 километр янги канализация қувурлари ишга туширилди. Истиқболли режалар дастурига кўра, бу ерда 500 дан ортиқ болалар майдончаси, 300 та ўйингоҳ, 10 та боғча ва 6 та мактаб барпо этилади. 50 гектар майдонда кичик саноат зонаси ишга туширилиши ҳисобига 20 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Етмиш гектарли "Янги Ўзбекистон" боғида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳор ва куз мавсумининг ўзида 15 мингдан ортиқ дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилди. Хонадонларни иссиқлик тизими билан таъминлаш мақсадида 21 минг Мвт. қувватга эга марказлашган иситиш қозони қурилмоқда. Шу кунга қадар дастлабки 73 та кўп қаватли уй-жойни қуриш якунланмоқда. 420 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли 2 та умумтаълим мактаби, 250 қатнов ўринга эга марказий поликлиника қуриб битказилди.

— Уй-жойлар мустаҳкам ва сифатли бўлишини мунтазам назорат қилиб боряпмиз, — дейди Фарғона вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси Умиджон Узоқов. — Аввало, ерни ковлаш, пойдеворни мустаҳкам қуйиш, ғишт териш, иссиқ ва совуқдан ҳимоя воситалари, энергиятежамкор жиҳозлар ўрнатиш, зилзилабардошлик билан боғлиқ жараёнлар эътиборга олинган. Бундан ташқари, хавфсизлик чораларига амал қилиш, ишчи-хизматчилар малакаси ва маҳоратини ошириш, қурилишда ишлатиладиган янги техника ва технологиялар борасида суҳбат ва кўргазмалар ўтказиб келяпмиз.






*Шерзод Қорабоев олган суратлар.*

Бунёдкорлик ишларида фарғоналиклар билан бирга, хорижлик инвесторлар ҳам иштирок этмоқда. Россиянинг "Монерон" қурилиш корхонаси томонидан 70 хонадонли 9 қаватли уй-жой қурилмоқда. Кунчиқар юрт вакиллари эса 3 гектар майдонда Япония шаҳарчаси бунёд этади.

— Биринчи босқичда 140 хонадонга мўлжалланган етти қаватли учта уй-жойни қуриб битказдик, — дейди "Марғилон бинокор таъмир" МЧЖ директори Фазлиддин Тожибоев. — Корхонамизда бетон плита ва ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бу уйларни тез ва сифатли, арзон битказишда ўзига хос имкониятлар берди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун 10 дан ортиқ замонавий уй-жой қуриб, фойдаланишга топширдик.

Латофатхон Шокирова Қўштепа туманидаги "Қамиштепа" маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Бир нафар фарзанди билан турмушдан ажралгач, акасининг хонадонида яшаб келарди. Эндиликда бу оила ҳаётида ҳам янги давр бошланди. Унга имтиёзли тарзда бепул уй-жой берилди.

— Ҳар ким ўз уйи — кичик ватани бўлишини орзу қилади. Бундай қувончли, унутилмас онларни сўз билан таърифлаб бера олмайман, — дейди янги уй соҳибаси. — "Марғилон бинокор таъмир" корхонасида фаррош бўлиб ишлайман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, менга 3 хонали уй-жой беришди. Уй жуда шинам, ҳамма шароитлари бор. Мана шундай уйларда яшашни орзу қилардим, ниятимга етдим. Янги уй оилам учун кўплаб имкониятлар яратди. Бизни қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам берган саховатпешаларга раҳмат.

Янги шаҳарчага кўчиб келган аҳоли муҳташам уй-жойларда яратилган шароитлардан жуда мамнун. Уйлар ҳовлисига ўрнатилган ўйин, спорт-соғломлаштириш майдончалари маҳалла ёшлари билан гавжум, файзли.

— Экошаҳарга яқин ҳудудда яшаганимиз боис, янги шаҳар қурилиши жараёни билан бевосита танишман, — дейди фарғоналик Дилноза Раҳмонова. — Турмуш ўртоғим ҳарбий хизматни ўтаб, нафақага чиқди. Бизга исталган ҳудуддан уй-жой танлаб олиш имконияти берилганди. Ҳеч иккиланмасдан бу ерга кўчиб келдик. Кўркам, чиройли уйларда яшашнинг завқи, гашти ўзгача бўларкан.

**ЕТМИШ ГЕКТАРЛИ "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" БОҒИДА "ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА БАҲОР ВА КУЗ МАВСУМИНИНГ ЎЗИДА 15 МИНГДАН ОРТИҚ ДАРАХТ ҲАМДА ГУЛ КЎЧАТЛАРИ ЎТҚАЗИЛДИ. ХОНАДОНЛАРНИ ИССИҚЛИК ТИЗИМИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА 21 МИНГ МВТ. ҚУВВАТГА ЭГА МАРКАЗЛАШГАН ИСИТИШ ҚОЗОНИ ҚУРИЛМОҚДА. ШУ КУНГА ҚАДАР ДАСТЛАБКИ 73 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ-ЖОЙНИ ҚУРИШ ЯКУНЛАНМОҚДА. 420 ЎРИНЛИ 3 ТА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ, 990 ЎРИНЛИ 2 ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ, 250 ҚАТНОВ ЎРИНГА ЭГА МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКА ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ.**

— Осмон билан бўйлашиб қад ростлаётган янги шаҳарга кўчиб келиб, ватан тутдик, — дея суҳбатга қўшилди Ҳожиакбар Эркинов. — Уй-жой оламан, деган ҳар бир оилага мақбул нархларда узоқ муддатли кредит асосида берилаётгани айни муддао. Ҳамма қулайликлар мужассам, чиройли. Яшаш ҳудудимизга туташ мактаб, боғча, тиббий хизмат, савдо сингари кундалик ҳаёт учун муҳим бўлган тармоқлар қурилиб, ишга туширилгани оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилмоқда.

Кўп қаватли уй-жой ва бошқа ижтимоий бино-иншоотлар қуришда энергиятежамкор технологиялардан фойдаланиляпти. Бу уйларни қишда совуқдан, ёзда иссиқдан ҳимоялаш имкониятини беради. Ҳар бир уйнинг том қисмига ўрнатилган қуёш панеллари аҳоли ва хизмат кўрсатиш тармоқларига узлуксиз электр энергияси етказиб бермоқда. Йўл ва йўлаклар, уй кириш қисмига ўрнатилган ақлли чироқ ҳамда беминнат қуёш ёритиш панеллари ўзига хослиги билан эътиборни тортади. Бу ерда "Ипотека маркази" ташкил этилган. Банк кредити, субсидия ажратиш, имтиёзлар билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни шу ерда бажарилади. Бошқача айтганда, уй олувчи фуқаролик паспорти билан марказга келиб, янги уй соҳиби бўлиб қайтиш имкониятига эга.

Сирасини айтганда, бунёдкорлик ва яратувчанлик халқимизга хос қадриятлардан. "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши эса ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тимсолини яратмоқда. Бир-бирини такрорламаган, шарқона нафислик ва замонавий меъморчилик анъаналари билан уйғун тарзда юксалиб бораётган янги шаҳарлар кўҳна юртга улуғворлик бағишламоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

# Ўзбекистон Фанлар академиясининг 80 йиллиги



**Машҳур олим ва адиб Тўхтасин Жалолов “Ўзбек шоиралари” асарида ўтмишда яшаб ижод қилган шоираларимиз ҳақидаги очеркларга ўрин бериб, илм-адаб аҳли эътирофига сазовор бўлганди. Олималаримиз ҳақида махсус, фундаментал тадқиқотлар яратиб, уларнинг меросини халққа яхлит етказиш борасида заҳмат чеккан ижодкорлардан бири эса Маҳбуба Қодировадир.**

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИЛАРИ

## ФОЗИЛАЛАР РУҲИГА ҲАМОҲАНГ

У 1919 йили Тошкентда зиёли хонадонида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетида ўқишни давом эттирди. Олий даргоҳни тугатгач, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти аспирантурасига дохил бўлди. 1961 йилда Нодира ҳаёти ва ижодий мероси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Маҳбуба Қодирова дастлаб шу институтда стенографист, сўнгра кичик ва катта илмий ходим сифатида хизмат қилди.

1967 йилдан эътиборан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат адабиёт музейида катта илмий ходим, сўнг етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган. Умрининг охиригача Шарқнинг атоқли шоиралари Робия Балхий, Зебунисо, Увайсий, Нодира, Дилшоди Барно, Саодатбегим, Муштарий, Муслиҳабегим, Мискин ҳамда Анбар Отиннинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш билан машғул бўлди.



XX асрнинг 60-йилларидан олима Нодиранинг ўзбек ва форс тилларидаги асарларини ўнлаб дастхат сарчашмалари асосида ўрганиб, дастлаб “Танланган асарлар”ини мукаммал сўзбоши, изоҳ, кўрсаткич, луғатлар билан нашр эттирди. Энг муҳими, китобдан шоиранинг ҳали кенг илму адаб аҳлига маълум бўлмаган турли жанрлардаги тожикча шеърлари ҳам жой олган. Уни ўқиган китобхон шоиранинг икки тилда баробар асарлар ярата олган ижодкор эканини ҳис этади.

Ана шу жараёнда олима Нодиранинг ҳар икки тилдаги шеърларини жанр, мавзу, тимсоллар силсиласи, ғоявий мундарижаси, улардаги анъана ва ўзига хосликни, санъаткор бадиий маҳоратини жиддий таҳлил қилди. Натижада бир неча йиллик меҳнат ҳосиласи ўлароқ, ҳар жиҳатдан мукаммал илмий биография — “Нодира ҳаёти ва ижоди” монографияси юзага келди. Кейинчалик китоб рус тилида ҳам нашр қилинди.

XIX аср шоиралари ижодида анъанавий ишқ-муҳаббат мавзусининг ранг-баранг, айрича тасвири билан бирга, башардўстлик, маърифатпарварлик, илму ҳунар тарғиби, инсон шарафи сингари юксак ғоялар тасвири етакчилик қилади. Филология фанлари номзоди, закий манбашунос Маҳбуба Қодирова ўз тадқиқотларида фанда ҳали мутлақо ўрганилмаган ана шу соҳага алоҳида эътибор қаратди.

Шу мақсадда бир қанча манбаларни кузатди, “Қаролар фалсафаси”, “Қўқонийлар тарихи”, “Собит ул-башар” сингари ҳали мутлақо ўрганилмаган ёдгорликларни таҳлил қилди. Бир неча йиллик изланишлари самараси ўлароқ, олима ўзбек ва рус тилларида ўнлаб мақолалар ёзиб, соҳа журналлари, илмий тўпламлар, “Адабиёт кўзгуси” сингари даврий нашрларда оммалаштирди, қомусларга мақолалар ёзди. Фақат биринчи манбалардан топилган, янги далиллар асосида ёзилган, ўзбек ва рус тилларида монографиялар чоп эттирди.

1975 йилда олима Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш мажлисида ҳамма замонлар учун ўта долзарб бўлган “XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кенгаш мажлисида иштирок этган соҳа мутахассислари муҳокамада фаол қатнашиб, тадқиқотни шу тизимдаги ишларга қўйиладиган барча талабларга тўла жавоб беради, деб бир овоздан маъқуллади. Шу тариқа Маҳбуба Қодирова филология фанлари доктори илмий даражасини олишга эришди.

Илмдаги бу катта ютуқ ёш фан докторининг ғайратига ғайрат, интилишига янада рағбат қўшди. Адабиёт музейидаги ишлари билан бирга, қўлёзмаларни тавсифлаш, каталоглар тузиш, шоиралар ижодининг янги қирраларини таҳлил қилиш, илмий мақолалар ёзиш, Нодира асарларининг ўзбекча ва русча нашрларини яратишга муваффақ бўлди.

Бу соҳада у рус таржимонлари билан яқиндан ҳамкорлик қилди. Шундан сўнг бирин-кетин “Эй сарви равон”, “Муаззамхон”, “Дилшоднинг ўзбек тилидаги “Муҳожирлар тарихи” асари”, “Шеърият ва муҳаббат маликаси” китоблари нашр қилинди. Худди шу йиллари олима яна Зебунисо, Анбар Отин, Дилшоди Барнонинг танланган асарларини ўзбек ва рус тилларида оммалаштирди.

Умуман, забардаст манбашунос бутун фаолиятини XIX аср шоиралари асарларини таҳлил қилиш ва кенг ўқувчилар оммаси эътиборига етказишга бахшида этган ижодкорлардан. Унинг Робия Балхий хусусидаги тадқиқоти ҳам ўзига хос илмий кашфиёт ҳисобланади.

Адабиётимиз тарихи, хусусан, ўзбек шоиралари ижодини ўрганишда улкан ишлар қилган манбашунос Маҳбуба Қодированинг фанимиз равнақи йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланган. Олима “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони, медаллар ва кўплаб эътирофларга муносиб топилган.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

ЗАМОНДОШ

## Аёл – ИККИ КАРРА академик



**Илм йўлида изланиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Унинг машаққати, бедор тунлар заҳмати, тинимсиз меҳнатини ушбу соҳа кишилари яхши билади. Балки шунинг учун эркаклар илм-фанда фаолроқ бўлса, янги кашфиётлар қилса, фан доктори, академик илмий даража ва унвонларини олса, у қадар ажабланмаймиз, яхши олим, етук мутахассис-да, деб қўя қоламиз. Аммо аёллар ана шундай муваффақиятларга эришса, алқагимиз, олқишлагимиз, эъзозлагимиз келади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, аёл бир қўлида оила, бир қўлида китобу қалам билан илмга кириб келади. Яъни икки майдонда бирдек меҳнат қилади, фидойилик кўрсатади.**



**Омина АЗИЗОВА,**
**санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори**

Аёл нозик жуссаси, ожиз қўллари билан ҳар икки майдонда ғалаба қозониши шарт, енгилишга ҳаққи йўқ. Илмга кириб келаётган аёл мана шу оғир юк, заҳматли меҳнатни тушунгани ҳолда бу жанггоҳга қадам қўяди. У метин иродаси билан илмдаги ва оиладаги мушкулотларни енгиб ўтиб, олима бўлади. Шунинг учун ҳам олиманинг ютуғи академик эркакларимизникидан кам эмас.

Афсуски, бу машаққатга ҳамма ҳам дош беролмайди. Кўпгина аёллар оила, уй-рўзғор ташвишлари сабаб илм-фанни ора йўлда қолдиради ёки ташлаб қўяди. Қолаверса, бизнинг давримизга қадар жамиятда ҳам хотин-қизларнинг илм олиб, бирор соҳада фаолият юритиши борасида қийинчилик, тўсиқлар бўлиб келганини инкор этолмаймиз. Бу барчамизга кундек аён бўлган гендер тенглик масаласи билан боғлиқ. Ҳозир дунё олимларининг атиги тўртдан бир қисмини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Жаҳон олий таълим муассасалари профессорларининг 10 фоизи, академикларнинг 5 фоиздан камроғи олималардир. Илмий муассасаларга раҳбарлик қилаётган аёллар улуши турли мамлакатларда турлича. Масалан, Японияда 6 фоиз, АҚШда 27, Францияда 29 ҳамда Испанияда 34 фоизни ташкил қилаётгани ҳақида маълумотлар бор. Олий мукофотларни қўлга киритиш, лауреат бўлиш борасида ҳам аёлларга анча мушкул. Олималар орасида Нобель мукофоти лауреати бўлган аёллар атиги 3 фоиз экани буни тасдиқлайди.

Шунга қарамай, ортга чекинмайдиган, жамиятдаги мавжуд стериотипларни енгиб ўтиб, илм-фанда катта ютуқларга эришиб келаётган олималарнинг борлиги бизни қувонтиради. Жорий йилги Нобель мукофотининг тиббиёт бўйича соҳибаси венгриялик олима Каталин Карико улардан бири. Демак, яна бир аёл илмда энг юқори чўққини забт этди. Бу жасорат, бу машаққат бошқаларда ҳам фахр, рағбат уйғотади. Илм йўлида меҳнат қилаётган хотин-қизларни янада кўпроқ ҳаракатга ундайди.

### “Инсоният равнақи учун хизмат қил”

Аёлнинг бирор соҳада фаол бўлиши жамиятдаги муҳитга бевосита боғлиқ. Буни мамлакатимиз мисолида яққол кузатяпмиз. Охирги йилларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаб, ўз йўналишида муваффақиятга эришиши учун барча эшиклар очиб берилди. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар энг чекка ҳудудларимизгача етиб борган. Асосийси, бу фақат дунё кўз ўнгида гендер тенгликни таъминлашгина эмас, балки юртимиз хотин-қизларини чинакамига қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Имтиёз, шарт-шароитлар ҳам фақат оғизда ёки қоғозда эмас, балки амалда кўрсатилаётгани ўз натижасини бермоқда. Аёлларимиз орасида илм эгаллаш, ўқиб-ўрганиш, касб-ҳунарли бўлиш, тадбиркорликка иштиёқ ортиб боряпти. Айниқса, илм-фанга кириб келаётган хотин-қизлар салмоғи ошмоқда. Олима, академик аёллар сафи кенгаймоқда. Бугун юртимиз илмий ва ўқув муассасаларида 700 дан ортиқ фан доктори ҳамда 5 нафар академик аёл фаолият олиб боряпти. Ўзбек олималари кимё, биотехнология, қишлоқ хўжалиги, физика-математика, тиббиёт, астрономия, филология, санъатшунослик, археология, тарих ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз билим ҳамда қобилиятларини намоён этмоқда. Уларнинг интеллектуал ишлари хорижий илмий марказлар томонидан ҳам юқори баҳоланяпти. Шунингдек, айни вақтда 5 нафар ўзбек аёли Фанлар академиясининг академиги шарафига муяссар бўлган. Шу тизимда фаолият олиб бораётган 5337 илмий ходимдан 2081 нафари хотин-қизлар бўлиб, бу жами кўрсаткичнинг 38,9 фоизини ташкил қилмоқда.

Ўзбек олималарининг аксарида бир хислатни сезиш мумкин, бу — фидойилик. Ана шу фидойилик сабаб улар бир қўлида оила, бир қўлида илмни маҳкам тутиб, кўзлаган манзили томон дадил ҳаракатланади. Бу йўлда кўплаб шогирдлар чиқаради, устоз деган юксак мақомга эришади.

Юртимизнинг санъатшунос олималари орасида ўзининг билими ва олижаноб фазилатлари билан ажралиб турадиган Нигора Каримова ҳам шогирдларидан билганларини аямайди. Устоз “Фақат ўзинг учун эмас, инсоният равнақи учун меҳнат қил” деган нақлни ҳаётий шиорига айлантирган.

У йигирма икки ёшида Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, иш фаолиятини кино санъати билан боғлаган ҳолда давом эттирди. Унинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, сценарийнавис, ўнлаб хориж фильмларини ўзбек тилига ўгирган таржимон, қатор ҳужжатли ҳамда телевизион фильмларнинг сценарий муаллифи Ғани Расулов оиласида туғилгани ҳам шу соҳага етаклаган бўлса керак. Ҳар ҳолда қизалоқ отасига эргашиб, Ўзбекистон телевидениеси ва “Ўзбектелефильм” студиясидаги қизғин иш жараёнлари билан жуда эрта танишган. Ва бу қизиқиш бора-бора касб танловига айланган.



Нигора Каримова ижодий фаолиятини йигирма уч ёшида Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясида бошлайди ва бу ерда ўн йил давомида муҳаррир бўлиб ишлайди. 1997 йилдан эса Фанлар академияси Санъатшунослик институтига ишга қабул қилинди, шундан буён илм йўлида изланишда. Ўтган йиллар давомида олима Марказий Осиёдаги илк кино намойишлари ва суратга олиш ишлари, биринчи кинофабрика ва миллий кино мактабининг Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилиши, минтақада бадиий кино санъатининг шаклланишига туртки бергани борасидаги архив материалларини жамлади. Шунингдек, “Ўзбек овозсиз киноси”, “Янги тўлқин даврлари” кинофильмлари мисолида тадқиқотлар олиб борди.



### Улар яратган мактаблар давом этаверади

Олима Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти, Ўзбекистон Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий кинофонди, Фанлар академияси ҳамкорлигида ўзбек киноси тарихига бағишланган “Ўзбекистон кино санъати” китоб-альбомининг чоп этилишида бош-қош бўлди. Китоб-альбомнинг матн муаллифи ҳам Нигора опанинг ўзи. Ушбу манба ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилган бўлиб, умумий ҳисобда ҳар бир тилдаги нусха 1000 ададда Истанбулдаги “Mega Basim” босмахонасида энг сўнгги технологиялар воситасида чоп этилди.

Китобда ўзбек киноси тарихининг илк саҳифаларига назар ташланиб, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кинонинг ватани, олтин бешиги экани тарихий-маданий далилланган 5 омил орқали кўрсатилган. Хусусан, 1897 йил 30 октябрда Тошкентда биринчи кино намойиши бўлиб ўтгани, 1908 йилдан бошлаб биринчи ўзбек оператори Худойберган Девонов ўзининг мустақил киносюжетларини суратга олишга киришгани ва худди шу йили Хивада, бутун Марказий Осиёда биринчи кино ва фотолабораторияси очилгани, 1924 йилда эса Ўрта Осиёда биринчи “Бухкино” кино ширкати ташкил этилиб, 1925 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб “Ўлим минораси” номли овозсиз бадиий фильм суратга олингани кўрсатилади. Қолаверса, 1925 йилда Тошкент шаҳридаги “Эшонқули” мадрасаси биносида Ўрта Осиёда биринчи “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси иш бошлагани ҳам минтақада киночилик санъати ривожида юртимиз асосий ўринни эгаллаганини далиллайди.

Китобнинг бадиий қимматини оширувчи муҳим сифатлардан бири нодир фотоиллюстрациялардир. Жараёнда Ўзбекистон кино санъати музейи фондида сақланаётган фотонегативлар инновацион технологиялар ёрдамида рақамлаштирилиб, улар асосида 3 мингдан ортиқ фотография тайёрланди. Шу таркибдан 1000 дан зиёди китоб учун иллюстрация сифатида қўлланилди. Ўзбек киносининг ўзига хос, бетакрор тарихи, ундаги шахсларни 485 бетли ҳажмга сиғдириш бир оз мураккаб кечди. Зотан, киночилигимиз тарихида из қолдирган инсонлар, фильмлар, воқеаларни бундай китобларнинг 10 жилдига ҳам сиғдириш душвор масала. Бу эса келгусида айни ишлар юзасидан изланишлар доирасини кенгайтириб, давомий нашрларга йўл очади.

Нигора Каримова олима сифатида нафақат назарий, балки амалий жараёнларда ҳам фаол иштирок этиш орқали илм-фан тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқда. Ўнлаб шогирдларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиш баробарида, санъатшунослик тарихини ўрганишдан, уни халқимизга кўрсатиб беришдан чарчамайди. Ана шундай саъй-ҳаракатлари орқали 2016 йилда Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент фотолар уйида ташкил этилган “Муҳрланган давр” кино-фото кўргазмаси, 2015-2016 йилларда Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона доирасида ташкил этилган “Синематека” киноклуби концепцияларини яратди. 2018 йилда бўлиб ўтган “Кинолекторий” медиа-инсталляцияси ҳам Нигора Каримованинг муаллифлик ишидир.

Олима 2017-2018 йилларда Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган “Кинолекторий” маърифий медиа-лойиҳасида илмий консультант бўлиб иштирок этди. Лойиҳа доирасида Тошкент, Нукус, Хива, Бухоро шаҳарларида маъруза ва киноэкспозициялар ташкил этди. “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмаси билан суратга олинган “Овозсиз кино тарихидан”, “Шуҳрат Аббосов” ҳужжатли фильмларининг илмий маслаҳатчиси, “Худойберган Девонов” илмий-оммабоп фильмининг ҳаммуаллифи ва илмий маслаҳатчиси, 2020 йилдан Республика “Кинофонди” қошидаги жамоатчилик кенгаши раиси.

Нигора опа “Ўзбекистон киноиндустриясининг ҳозирги ҳолатига оид таҳлил (2007-2017)” мавзусида аналитик тадқиқотлар олиб борган. 2017-2019 йилларда эса ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси тасарруфидаги қатор лойиҳаларга экспертлик қилди. 2020 йилдан Ўзбекистон кинематография агентлиги қошидаги Бадиий кенгаш аъзоси ҳисобланади. Бундан ташқари, FIPRESCI халқаро кинотанқидчилар федерациясининг Ўзбекистондан ягона ўзбек аёл аъзоси ҳамдир.

Ана шундай илм фидойилари бор экан, жамият, мамлакат тараққий этишдан тўхтамайди. Уларнинг илм-фанда ёққан машъалалари, яратган мактаблари давом этиб бораверади. Биз эса мамлакатимиз илм-фанида олима аёлларимиз сони кўпаявериши тарафдоримиз. Зеро, дунё бешигини тебратган аёл икки карра академикдир. Улар Учинчи Ренессансга қадам қўйиш йўлидаги ислоҳотларнинг асосий кучи ва таянчига айланиши шубҳасиз.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1246.
43301 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 01:40 Топширилди — 02:45